

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

УДК: 375.12

Магистратура бўлими

“Педагогика” кафедраси

5A140801 – педагогика мутахассислиги

ДЖУРАЕВА ШОХСАНАМ

**ТЕХНОЛОГИК ЁНДАШУВ АСОСИДА ТАРБИЯВИЙ ТАДБИРЛАРНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ (МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ МИСОЛИДА)
мавзусидаги магистрлик диссертацияси**

“Ҳимояга тавсия этаман”
Магистратура бўлими бошлиғи
_____ **Н.А.Ҳамедова**
“ ___ ” _____ **2011 й**

Илмий раҳбар: п.ф.н.
_____ **Ш.А.Содиқова**
“ ___ ” _____ **2011 й.**

“Педагогика” кафедраси
муdiri, п.ф.д., проф.
_____ **Н.М.Эгамбердиева**
“ ___ ” _____ **2011 й.**

ТОШКЕНТ – 2011

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
------------	---

I БОБ. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИ ТЕХНОЛОГИЯЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-АСОСЛАРИ

1.1. Мактабгача таълим муассасасаларида тарбия жараёнини технологиялаштириш – муҳим педагогик муаммо сифатида.....	7
1.2. Мактабгача таълим муассасасида ташкил этиладиган тарбиявий тадбирларнинг асосий йўналишлари.....	27
Биринчи боб бўйича хулосалар.....	38

II БОБ. ТЕХНОЛОГИК ЁНДАШУВ АСОСИДА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ АМАЛИЁТИ

2.1. Тарбиявий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш технологияси.....	40
2.2. Технологик ёндашув асосида мактабгача таълим муассасаларида тарбиявий ишларни ташкил этиш самарадорлиги.....	68
Иккинчи боб бўйича хулосалар.....	77
Умумий хулоса ва тавсиялар.....	79
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	82
Иловалар.....	89

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўлига ўтиши миллатимиз тақдирида тарихий бурилиш бўлди. Бундай йўлга ўтиш демократия ва инсонпарварлик ғояларига тўла риоя қилиш, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий муносабатларни тубдан ўзгартириш, халқимизнинг бой тарихий тажрибаси ва бошқа илғор ривожланган давлатларда қўлга киритилган ютуқларни таҳлилий ўрганиш, уларни республикамиз шароити ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ҳаётга татбиқ этиш орқали амалга оширилмоқда.

Маълумки, халқнинг етук миллий онги, юксак маънавияти ҳар қандай тараққиётнинг бош омили ҳисобланади. Республикамизда демократик ҳуқуқий давлат ва жамият қуриш борасида илдам олға қадамлар ташланмоқда. Юртимизнинг бугуни ва эртаси, ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, маънавий-маданий турмуш тарзи ҳар томонлама камол топаётган ёшлар қўлидадир. Шу боисдан ҳам кадрлар тайёрлаш сифатини устувор қўяётган давлатимиз ёш авлодни ҳар томонлама ривожланган, маданиятли, комил инсон қилиб шакллантириш масаласига катта эътибор қаратмоқда. “Бошқача айтганда, биз ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган, айна замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялашимиз керак” [2, 14-15].

2005 йил ва ундан кейинги даврларда “...таълим муассасаларининг ресурс, кадрлар ва ахборот базаларини янада мустаҳкамлаш, таълим жараёнини янги тарбиявий-услубий мажмуалар, янги педагогик технологиялар билан тўлиқ таъминлаш”га йўналтирилган ижтимоий ҳаракат йўлга қўйилади. Мазкур вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун амалга оширилаётган педагогик тадбирлар доирасида мактабгача таълим муассасаси тарбия жараёнини технологиялаштиришга эришиш муҳим аҳамият касбга эга.

Мактабгача таълим муассасаларида амалга ошириладиган тарбиявий фаолият жараёнини технологиялаштириш қуйидаги афзалликларга эга:

- тарбия жараёнини демократик, ижодий характер касб этади;
- тарбияланувчиларнинг фаолликлари таъминланиб, уларда эркин фикр юритиш кўникмалари шаклланади;
- тарбияланувчиларга берилаётган умумий маълумотлар ҳажмининг асосий қисмини амалий билимлар ташкил этади, уларга назарий маълумотларни тақдим этиш, моҳиятини

амалий фаолият воситасида тўлақонли очиб бериш билан уйғунлаштирилган ҳолда олиб борилади;

- тарбиячининг фаолияти фақатгина назарий билимларни етказиб беришдангина иборат бўлиб қолмай, балки тарбиячиларни фаол фаолиятга рағбатлантириш ҳамда фикрлаш кўникмасига эга бўлишларига кўмаклашиш, шунингдек, уларнинг фаолиятини доимий равишда назорат қилиш, зарур ўринларда тезкор методик ёрдамни ташкил этиш, уларнинг фаолиятлари натижасини объектив баҳолашга йўналтиради;

- тарбия жараёнининг самарадорлиги ортади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. “Бола тарбияси концепцияси” [21] мактабгача таълим муассасаларида бола онги ва тафаккурини, ахлоқий ва маданий савиясини ижтимоий экологик муаммоларни ҳал этишга йўналтириш, шу мақсадда экологик таълим ва тарбиянинг яхлит тизимини яратиш ва амалиётга жорий этиш зарурияти соҳа мутахассисларини илмий-педагогик изланишларга даъват этади.

Сўнги йилларда таълим муассасалари фаолиятини технологиялаштиришнинг назарий асосларини яратиш соҳасида Ўзбекистон Республикасида ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Чунончи, М.О.Очилов, Б.Фарберман, Н.Саидахмедов, У.Нишоналиев, Ў.Қ.Толипов, Н.Н.Азизхўжаева, И.И.Зокиров ва бошқалар томонидан янги педагогик технологиялар, уларни таълим жараёнига татбиқ этиш афзалликларини ўрганиш, шунингдек, муайян тарбиявий ёки мутахассислик фанларини ўқитишни йўлга қўйишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш имкониятларини аниқлашга қаратилган фаолият олиб борилмоқда.

П.Юсупова, Г.Камилова, Х.Косимова, М.Маҳкамова, Д.Махмудова, М.Расулова, М.Солихова, Х.Туленова, Д.Абдурахимова, М.Умарова, Ш.Содиқова кабиларнинг илмий-тадқиқот ишларида мактабгача таълим муассасаларида тарбиявий тадбирларни ташкил этишнинг айрим жиҳатлари ёритиб берилган.

Бироқ мактабгача таълим муассасаларида технологик ёндашув асосида тарбиявий тадбирларни ташкил этиш муаммоси алоҳида тадқиқ этилмаган. Ана шу сабабли биз магистрлик диссертациямиз мавзусини “Технологик ёндашув асосида тарбиявий тадбирларни ташкил этиш (мактабгача таълим муассасалари мисолида) тарзида танлаб олдик.

Тадқиқот мақсади: технологик ёндашув асосида мактабгача таълим муассасаларида тарбиявий тадбирларни ташкил этишнинг амалий жиҳатларини ёритиш орқали мазкур жараён самарадорлигини оширишга йўналтирилган илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқишдир.

Тадқиқот вазифалари:

1. Илмий адабиётларни таҳлил этиш асосида мактабгача таълим муассасаларида тарбия жараёнини технологиялаштиришнинг муҳим педагогик муаммо эканлигини асослаш.

2. Мактабгача таълим муассасаларида ташкил этиладиган тарбиявий тадбирларнинг асосий йўналишларини аниқлаш.

3. Тарбиявий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш технологиясини ишлаб чиқиш.

4. Мактабгача таълим муассасаларида тарбиявий тадбирларни ташкил этишга доир илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти: мактабгача таълим муассасаларида тарбиявий тадбирларни ташкил этиш жараёни.

Тадқиқот предмети: мактабгача таълим муассасаларида тарбиявий тадбирларни ташкил этиш мазмуни, йўналишлари ва технологияси.

Тадқиқот методлари: назарий: анализ, синтез, қисий-педагогик таҳлил; эмпирик: кузатиш; педагогик эксперимент.

Тадқиқотнинг методологик асосини Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, “Бола тарбияси концепцияси” Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг мактабгача таълим муассасаларида тарбия жараёнини такомиллаштиришга доир қарор ва фармойишлари, “Учинчи мингйилликнинг боласи” таянч дастури, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг юксак маънавиятли шахсни шакллантириш тўғрисидаги фикрлари, шунингдек, тарбияга доир замонавий ёндашувлар, тарбия қонуният ва тамойиллари ташкил этди.

Тадқиқот фарази. Агар:

1) илмий адабиётларни таҳлил этиш асосида мактабгача таълим муассасаларида тарбия жараёнини технологиялаштиришнинг муҳим педагогик муаммо эканлиги асосланса;

2) мактабгача таълим муассасаларида ташкил этиладиган тарбиявий тадбирларнинг асосий йўналишлари аниқланса;

3) тарбиявий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш технологияси ишлаб чиқилса;

4) мактабгача таълим муассасаларида тарбиявий тадбирларни ташкил этишга доир илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилса, тадқиқотдан кутиладиган натижаларга эришиш мумкин.

Ҳимояга олиб чиқиладиган ҳолатлар:

1. Мактабгача таълим муассасаларида тарбия жараёнини технологиялаштиришнинг муҳим педагогик муаммо эканлиги.
2. Мактабгача таълим муассасаларида ташкил этиладиган тарбиявий тадбирларнинг асосий йўналишлари.
3. Тарбиявий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш технологияси.
4. Мактабгача таълим муассасаларида тарбиявий тадбирларни ташкил этишга доир илмий-методик тавсиялар.

Ишнинг илмий янгилиги:

1. Илмий адабиётларни таҳлил этиш асосида мактабгача таълим муассасаларида тарбия жараёнини технологиялаштиришнинг муҳим педагогик муаммо эканлиги асосланди.
2. Мактабгача таълим муассасаларида ташкил этиладиган тарбиявий тадбирларнинг асосий йўналишлари аниқланди.
3. Тарбиявий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш технологияси ишлаб чиқилди.
4. Мактабгача таълим муассасаларида тарбиявий тадбирларни ташкил этишга доир илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти: “Педагогика” фани мактабгача таълим муассасаларида технологик ёндашувни татбиқ этишга оид илмий-назарий қарашлар билан бойитилди ҳамда мактабгача таълим муассасаларида технологик ёндашув асосида тарбиявий тадбирлар мажмуига эга бўлди. Мазкур натижалардан мактабгача таълим педагогикасидан дарслик ва ўқув қўлланмаларни яратишда фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши: Тадқиқот натижалари Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 424-, 499-, Учтепа туманидаги 550-, Шайхонтоҳур туманидаги 448-, Сергели туманидаги 600-мактабгача таълим муассасалари фаолиятида педагогик жараёнга татбиқ этилган.

Илмий ишнинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, икки боб, умумий хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, ишнинг умумий ҳажми 146 бетни ташкил этади.

I БОБ. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИ ТЕХНОЛОГИЯЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-АСОСЛАРИ

1.2. Мактабгача таълим муассасасаларида тарбия жараёнини технологиялаштириш – муҳим педагогик муаммо сифатида

Илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланиши жамиятни иқтисодий тараққий эттириш билан бир қаторда ижтимоий муносабатлар мазмунида ҳам туб ўзгаришларнинг рўй беришига замин яратмоқда. Хусусан, ахборотларни тақдим қилувчи манба сифатида оммавий ахборот воситаларининг имкониятлари кенглиги эътироф этилмоқда. Бунда, айниқса радио, телевидение беқиёс аҳамиятга эга. Бу эса, жамият аъзолари томонидан қабул қилинаётган ахборотлар кўлами ва ҳажмининг кескин ошишига олиб келмоқда. Компьютер технологиясининг кенг тарқалиши эса ахборот хизматининг янада юқори даражага кўтарилишини таъминламоқда. Жамият аъзолари ўртасидаги ахборот алмашинуви, муайян соҳаларда орттирилган тажрибаларнинг авлоддан-авлодга узатилиши ёзма манбалар воситасида амалга оширилган бўлса, эндиликда эса жамият аъзолари орасидаги ахборот алмашинуви компьютер технологиялари воситасида амалга оширилмоқда. Аҳоли моддий эҳтиёжларининг доимий равишда ортиб бориши тезкор ва сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш заруриятини кун тартибига олиб чиқди. Ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишга нисбатан технологик ёндашув тамойилининг шаклланиши ана шу заруриятнинг амалий кўринишидир.

Ишлаб чиқариш жараёнининг тезлашуви, тайёрланган маҳсулотлар ҳажмининг кўпайиши, сифатининг яхшиланиши, таннархининг пасайиши, меҳнат фаолиятини ташкил этиш учун қулай шарт-шароитларнинг яратилиши иқтисодий технологиялар мазмунига қўйилаётган асосий талаблар ҳисобланади. Иқтисодий технологиялар учун муайян меъёрларнинг аниқланиши ниҳоятда зарур бўлиб, ана шу меъёрлар асосида маълум жараёнларни ташкил этишга хизмат қилувчи ускуналар яратилади.

Ишлаб чиқариш технологияларининг тараққий этиши, уларнинг субъект фаолияти қарор топишдаги аҳамиятининг ортиб бориши, моддий ишлаб чиқаришнинг

ривожланиши, янги хизмат кўрсатиш шаклланган ижтимоий технологиялар аҳоли билим даражасининг ошиши, муайян касб малакасининг эгалланиши, мураккаб тузилмага эга техникани бошқара олиш кўникмасини ҳосил қилиш ҳамда уларни такомиллаштиришга бўлган эҳтиёжни қондиришга хизмат қилади.

Ижтимоий технологиялар меъёрланган, махсус талабларга мувофиқ амалдаги тесқари алоқа ва ижодий ҳамкорлик асосида ташкил этилиш хусусиятлари билан иқтисодий, ишлаб чиқариш технологияларидан кескин фарқ қилади. Ижтимоий технологиялар моддий ва маънавий соҳаларда юзага келувчи ижтимоий муносабатлар технологияси орасида таълим технологиялари ўзига хос ўрин тутади.

Педагогик технология АҚШ ва Европа мамлакатларида «таълим технологияси» сифатида эътироф этилган назария бўлиб, унинг яратилиши тўғрисида маълумот берувчи манбаларни ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, таълим тизимини технологиялаштириш ғояси ўтган асрнинг бошларида Ғарбий Европа ҳамда АҚШда таълим тизимини ислоҳ қилиш, таълим самарадорлигини ошириш, шахс ижтимоийлашувини таъминлаш ва бу борада муайян муваффақиятга эришиш борасидаги ижтимоий эҳтиёжни қондиришга уриниш натижасида вужудга келган. Ушбу ғоя XX асрнинг 30-йилларида таълим жараёнига “педагогик техника” (“таълим техникаси”) тушунчасининг олиб кирилиши билан асосланган. Бу соҳадаги мавжуд адабиётларда “таълим техникаси” тушунчаси тарбиявий машғулотларини аниқ ва самарали ташкил этишга кўмаклашувчи усул, воситалар йиғиндиси дея талкин этилади [38]. Таълим самарадорлигини оширишга ёрдам берувчи етакчи омиллар сифатида тарбиявий жараёнига тарбиявий ва лаборатория жиҳозларининг олиб кирилиши, улардан унумли фойдаланиш йўлларининг ишлаб чиқилиши, материал мазмунини кўрсатмали қуроллар воситасида талабаларга етказиб бериш кабилар қайд этилади.

XX асрнинг 50-йилларида аудиовизуал воситаларнинг яратилиши ҳамда улар хизматидан фойдаланиш “таълим технологияси”нинг йўналишини белгилаб берувчи омилдир дея баҳоланди [38]. Ушбу босқичда асосий эътибор техник воситалардан самарали фойдаланиш ҳисобига амалга оширилиши, уларнинг имкониятларини

кенгайтириш, ахборот сизимини ва уларни узатишни такомиллаштириш ва индивидуал таълимни йўлга қўйиш каби масалаларнинг ижобий ҳал этилишига қаратилди.

Ўтган асрнинг 60-йилларида таълим фаолиятини аввалдан пухта ишлаб чиқилган дастур ҳолатига мувофиқ ташкил этиш ташаббуси қўтарилди. Дастурлаштирилган таълим тарбиявийчи ёки талабаларга муайян билимларни қисмларга бўлиб тақдим этилиши асосида таълим жараёнини ташкил этишни назарда тутди. Дастурлаштирилган таълим мазмунида унинг мақсадлари, баҳолаш мезонлари таълим жараёни моҳиятининг аниқ тавсифини кўрсатувчи кўрсаткичлар эканлигига алоҳида ўрин ажратилди.

Ривожланган мамлакатларда бу соҳада бой тажриба тўплангандир. Педагогик технологиялар моҳиятини тўлақонли англаш учун мазкур иборанинг луғавий маъносини тушуниб олиш тақозо этилади. «Технология» юнонча сўз бўлиб, “techne” - маҳорат, санъат ва “logos” - тушунча, таълимот, фан маъносини англатади.

“Таълим технологияси” иборасининг маъноси - (инглизча “An educational technology”) таълим жараёнини юксак маҳорат билан санъат даражасида ташкил этиш тўғрисида маълумот берувчи фан, таълимот демакдир [14]. Айни вақтда мазкур тушунчанинг таърифи ҳамда унинг моҳияти борасида ягона ҳолат мавжуд эмас. Бу назария моҳиятининг ёритилишига нисбатан турли ёндашувлар мавжуд.

Мактабгача таълим муассасалари тарбиявий фаолиятининг самарадорлигини ошириш таълим-тарбия жараёнини давр талаби даражасида янги педагогик технологиялар, техник ҳамда ахборотли воситалар билан қуроллантиришни тақозо этади. МТМ тарбиявий фаолиятини технологиялаштириш мазкур жараённинг назарий-амалий қирраларини тадқиқ этиш, махсус ишланмалар ёки тавсияномаларнинг яратилишини талаб этади. Ана шу эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда янги педагогик технология назарияси, унинг моҳияти таълим технологияларини тарбиявий муассасалари, шу жумладан, касб-хунар коллежлари тарбиявий фаолиятига татбиқ этиш муаммосининг қай даражада ўрганилганлигини тадқиқ этиш мақсадида мавзуга оид яратилган манбалар моҳияти билан танишиб чиқдик.

Амалга оширилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, муаммога оид манба сифатида танланган мавжуд адабиётларнинг 90 % и педагогик технологиялар ва уларнинг

моҳиятини очиб беришга хизмат қилади. Қуйида уларнинг мундарижаси хусусида қисқача сўз юритамиз.

В.П.Беспалько томонидан яратилган “Слагаемые педагогической технологии” асарида батафсил равишда педагогик технология назариясининг моҳияти, мазкур назариянинг шаклланиши учун муҳим асос бўлиб хизмат қилган бихевиоризм таълимоти, ПТ назариясининг шаклланиш тарихи, тарбиявий жараёнининг моҳияти, тарбиявий жараёнини лойиҳалаштириш, ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш, педагогик технологиялар самарадорлигини аниқлаш ва ҳоказо масалалар юзасидан сўз юритилиб, асосий урғу таълим технологиясининг моҳиятини очиб беришга қаратилади [13].

Узоқ йиллардан буен ушбу назария ва унинг моҳияти юзасидан тадқиқотлар олиб бораётган педагог олим В.П.Беспалько «таълим технологияси» тушунчасини “амалиётга татбиқ қилинадиган муайян педагогик тизим лойиҳаси” дея таърифлаган бўлса, Н.Ф.Талызина “фан ва амалиёт оралигида муайян тамойилларни олга сурувчи методларни ишлаб чиқарувчи, уларни изчил қўллаш каби масалаларни ҳал этишга йўналтирилган мустақил фан” эканлигига эътиборни қаратади.

В.В.Кларин томонидан яратилган “Педагогическая технология в учебном процессе” номли асарда В.П.Беспалько томонидан баён этилган мулоҳазалар тўлдирилиб, педагогик технологияларнинг таълим жараёнига татбиқ этиш шарт-шароитлари борасидаги қарашлар илгари сурилади. В.П.Беспалько ва М.В.Кларинларнинг тадқиқотларида «педагогик технология» тушунчасига таъриф берилган [13; 37].

Б.Лихачев таълим технологияси тушунчасининг моҳияти “психопедагогик ўғитлар йиғиндиси”ни англатишини қайд этган бўлса, В.И.Шепель Б.Лихачевнинг “шакл, метод, усул, ўқитиш йўллари ҳамда тарбиявий воситалар мажмуи”дир деган фикрини қўллаб-қувватлайди.

Ўз навбатида, В.М.Монахов В.П.Беспальконинг қарашларига қўшилган ҳолда таълим технологияси “талаба ва ўқитувчиларнинг самарали фаолият юритишлари учун зарур шароит яратиш орқали тарбиявий жараёнини лойиҳалаш, ташкил этиш, ўқитиш

бўйича уларнинг педагогик фаолиятини ҳар томонлама пухта ўйланган андозаси” эканлигига ургу беради.

“Аксиоматический подход к проектированию педагогической технологии” номли илмий ишида В.М.Монахов лойиҳаланган педагогик технологияларга нисбатан аксиоматик ёндашув моҳияти тўғрисида тўхталар экан, “Педагогик технология – тарбиявий жараёнини технологиялаштириб, унинг қайта тикланувчанлигини ҳамда педагогик жараён барқарорлигини ошириб, бу жараён иштирокчисининг субъектив хусусиятларидан уни озод қилади» деган фикрларни илгари суради [47].

Инглиз олимлари К.Томас ва Скиннерлар ўз тадқиқотларида дастурлаштирилган таълим моҳияти, истиқболлари юзасидан фикр билдириб, унинг афзалликларига тўхталиб ўтади. Улар дастурлаштирилган таълимнинг қуйидаги босқичлардан иборат бўлиши лозимлигини таъкидлайдилар:

- дастлабки босқич муайян фан бўйича берилган мавзуларни ўрганишда уларни мумкин қадар кичик қисмларга бўлиш;

- иккинчи босқич (жавобни тезкор баҳолаш) ўқувчи томонидан берилган жавобнинг ҳаққонийлигини аниқлаш (бунда ўқувчининг жавоби ўқитувчи томонидан олдиндан тайёрланган жавоб билан таққосланади);

- таълим жараёнини тайёрланган дастур мазмунига мослаштириш (бунда ўқувчиларнинг материаллар мазмунини ўзлаштириш даражалари ҳисобга олинади);

- топшириқларнинг аста-секин мураккаблашиб боришига эришиш;

- ўзлаштирилаётган назарий билим ва амалий кўникмаларни доимий равишда мустаҳкамлаб бориш, тарбиявий жараёнининг ҳар бир босқичи натижаларини умумлаштириш, натижаларни қўлга киритиш йўлида ташкил этилган ҳаракатларни турли вазиятларда текшириш, пухталиги аниқланган савол-топшириқларни бажариш асосида натижаларни изоҳлаш.

Инглиз олими К.П.Марквордт таълим технологияларининг аҳамияти аввал ўзлаштирилган назарий билимлар билан янги ўзлаштирилувчи билимлар орасида

мустаҳкам боғланишларнинг юзага келиши билан белгиланишини таъкидлайди. Бунда қуйидагилар муҳим аҳамият касб этади:

- тенг қийматли (эквивалент) амалиёт қоидаси: таълим олувчиларнинг таълим жараёнидаги ҳатти-ҳаракатлари тест ўтказиш ёки имтиҳон даврида таълим олувчи томонидан ташкил этилиши кутиладиган ҳатти-ҳаракатларга тўла мана келади;

- ўқшаш амалиёт қоидаси: таълим олувчилар содир этилиши кутилаётган ҳатти-ҳаракатлари ни ташкил этиш мажбуриятига эга бўлмай, балки моҳиятан шундай бўлган шароитларда машқ қилиш имконига эга бўладилар;

- натижаларни аниқлаш қоидаси: таълим олувчига унинг ҳар бир ҳатти-ҳаракатининг мазмунини баҳолаш натижалари бўйича маълумот бериш, мазкур шартга аксарият ҳолларда жорий назоратни ташкил қилиш жараёнида риоя этилади;

- рағбатлантириш қоидаси: ўқувчининг мақбул ҳатти-ҳаракатларини рағбатлантириб бориш, педагогик фаолият жараёнида ўқувчи томонидан содир этилган салбий ҳатти-ҳаракатлар учун унга танбеҳ берилмайди, балки уларни бартараф этиш истагини юзага келтирувчи амалий кўрсатма берилади. Масалан «яна бир марта уриниб кўр», «янада чуқурроқ ўйлаб кўр», «масалани ҳал этишнинг янада осонроқ йўли бор, уни топишга уриниб кўр» ваҳоказолар.

Л.В.Занков, Т.Я. Гальперин ҳамда В.И.Давыдовлар ўзларининг илмий тадқиқот ишларида босқичли таълим технологиялари борасидаги қарашларини илгари суриб, таълим технологиясини «босқичли ўқитиш» сифатида таърифлаган бўлсалар, П.А.Юзевичене модул таълимининг назарий ва амалий асосларини очиқ беришга ҳаракат қилади. И.П.Волков “Режалаштирилган ўқитиш натижаларига эришиш жараёни”, Т.Н.Балло эса “Таълим жараёнига нисбатан топшириқли ёндашув” дея баҳолайдилар.

Педагогик технологиялар тизимида педагогик ўйинлар ҳам муҳим ўрин тутаяди. Айни вақтда педагогика назарияси ва амалиётида педагогик ўйинлар ва уларнинг моҳиятини ёритувчи илмий тадқиқот ишлари мавжуд. Хусусан, Л.С.Вүготский,

А.Н.Монтъев, С.А.Шмаков, Г.К.Селевко, П.Я.Гальперин, А.А.Вербицкий, А.С.Арбенъев ва А.Тюковлар томонидан олиб борилган илмий ишлар шулар жумласидандир.

Г.К.Селевко педагогик ўйинларнинг қуйидаги хусусиятларга эга бўлишини қайд этади:

- дидактик мақсад ўйинли вазифа шаклида қўйилади;
- тарбиявий фаолияти ўйин қоидаларига бўйсунди;
- тарбиявий материалдан ўйин сифатида фойдаланилади;
- ўйин фаолиятига айлантирилган дидактик вазифа тарбиявий жараёнида мусобақалашиб элемент (унсур)лари асосида ҳал этилади;
- дидактик вазифанинг муваққиятли бажарилиши ўйин натижалари билан белгиланади.

Педагогик ўйинлар қуйидаги функцияларни бажаради:

- ўқувчиларда ақлий фаолият усуллари шакллантириш;
- назарий билимларни мустаҳкамлаш ва уларни амалиётда қўллаш кўникмасини ҳосил қилиш;
- ўйин жараёнида бўлажак мутахассиснинг фаолияти муайян хатти- ҳаракатни ташкил этишдангина эмас, балки маълум уни бажаришга йўналтирилган дидактик қоидаларни ишлаб чиқишдан ҳам иборат бўлиши;
- ўқувчиларнинг тарбиявий-билув фаолиятини таълим олиш давридаёқ бўлажак касбий фаолият характери ва тузилмасига яқинлаштириб бориш[58].

В.Ю.Питюков томонидан амалга оширилган тадқиқот ишида педагогик технология асослари, унинг тарихий илдизлари, унсурлари ва моҳияти, педагогик технология назариясининг ривожланиши истикболлари каби масалаларининг очиб берилишига алоҳида эътибор қаратилган бўлса, педагог олимлар Д.Ш.Матрос, Д.М.Полев ҳамда Н.Н.Мельниковалар томонидан янги инфор­мацион технологиялар ва таълим мониторинги воситасида таълим сифатини бошқариш, педагогик ва психологик мониторинг ҳамда уларнинг моҳияти, шунингдек, таълим жараёни натижаларини башоратлаш муаммолари кенг тадқиқ этилади.

ЮНЕСКО ташкилоти ҳам ушбу тушунчага нисбатан ўзига хос ёндашади, хусусан, “...таълим шакллари оптималлаштириш мақсадида техник воситалар, инсон салоҳияти ҳамда уларнинг ўзаро таъсирини инобатга олиб, ўқитиш ва билим ўзлаштиришнинг барча жараёнларини аниқлаш, яратиш ва қўллашнинг тизимли методидир” [33].

Сўнгги йилларда ўзбек олимлари томонидан ҳам таълим технологияси назариясига оид бир қатор мақола, рисола ва қўлланмалар яратилди. Хусусан, педагог олим М.О.Очилов мазкур иборани «Педагогик технология -тизимли, технологик ёндашувлар асосида таълим шакллари кулайлаштириш, натижасини кафолатлаш ва объектив баҳолаш учун инсон салоҳияти ҳамда техник воситаларнинг ўзаро таъсирини инобатга олиб, таълим мақсадларини оидинлаштириб, ўқитиш ва билим ўзлаштириш жараёнида қўлланадиган усул ва методлар мажмуидир» дея шарҳласа, Н.Саидахмедов эса қуйидагича: “Педагогик технология бу ўқитувчи (тарбиячи) томонидан ўқитиш (тарбия) воситалари ёрдамида тарбиявийчиларга таъсир кўрсатиш ва бу фаолият маҳсули сифатида уларда олдиндан белгилаб олинган шахс сифатларини шакллантириш жараёни”, - деган таърифни беради [56].

Ў.Толипов ва М.Усмонбоевалар эса “педагогик технология» тушунчанинг моҳиятини қуйидагича ифодалайдилар: «педагогик технология бу муайян лойиҳа асосида ташкил этиладиган, аниқ мақсадга йўналтирилган ҳамда ушбу мақсаднинг натижаланишини кафолатловчи педагогик фаолият жараёнининг мазмунидир»[64] .

Б.Фарберман, М.О.Очилов, Ў.Қ.Толипов ва М.Усмонбоевалар томонидан ҳам педагогик технология назарияси ва унинг моҳияти ўрганилгандир. Чунончи, Б.Фарберман ҳамда М.О.Очиловлар таълимни ташкил этишга нисбатан технологик ёндашув, тарбиявий ва тарбиявий фаолият мақсадларининг назорат (тест) топшириқларига айлантириш, таълим жараёнида педагогик технологияларни қўллаш борасида фикр юритсалар, Ў.Қ.Толипов томонидан олиб борилган тадқиқот жараёнида бўлажак ўқитувчи кадрларни тайёрлашга йўналтирилган фаолиятни технологиялаштириш масаласининг моҳиятини ёритишга кенг ўрин ажратилади [52; 64].

Ў.Қ.Толипов ва М.Усмонбоевалар томонидан яратилган асарда педагогик технологиянинг назарий асосларини амалий педагогик фаолиятга татбиқ этиш масаласи ўрганилган. Шунингдек, хусусий фанларни ўқитиш жараёнига янги педагогик технологияларни татбиқ этишнинг амалий асосларини очиб беришга ҳаракат қилинган.

Файласуф олимлар Б.Зиёмуҳаммедов ва Ш.Абдуллаевалар томонидан яратилган “Янги педагогик технология: назария ва амалиёт” номли асарда “Маънавий асослари” дарсларини технологик ёндашув асосида ташкил этиш масалалари очиб берилган бўлиб, бу борадаги бир қатор ишланмалар китобхонларнинг эътиборига ҳавола этилган[34].

Юқорида билдирилган фикрларга таянган ҳолда шундай хулосага келишимиз мумкин:

1. Педагогик технология ва унинг моҳиятини ёритишга хизмат қилувчи манбаларнинг аксариятида ушбу ҳодисанинг назарий асослари батафсил очиб берилган.

2. Юқорида кўрсатиб ўтилган ишларнинг аксариятида «педагогик технология»нинг таърифи ҳам ёритиб берилган бўлса-да, бу соҳада ҳануз ягона бир таъриф яратилган эмас.

3. Айтилишича педагогика коллежларида касбий фанларни ўқитиш жараёнида янги педагогик технологиялардан фойдаланиш масаласи долзарб педагогик муаммо сифатида тадқиқ этишга муҳтождир.

Юқорида келтирилган фикрлардан англашилдики, “педагогик технология” тушунчаси ўзида таълим жараёнини ташкилий-методик мажмуалар ёрдамида ташкил этиш ва бу жараёнда муайян ютуқларга эришиш мумкинлигини ифодалайди. Педагогик технологиялар анъанавий таълим шакл ва методларидан фарқли равишда педагогик фаолиятни олдиндан лойиҳалаш, мақсад ва вазифаларни аниқ белгилаш, тарбиявийчи, ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши назарда тутилаётган билим, кўнгилма ва малакалар даражасини ташхислаш, таълим самарадорлигини аниқлаш ва баҳолаш каби ҳаракатларнинг амалга оширилишини тақозо этади.

Педагогик фаолиятнинг мақсади аниқ, пухта, шунингдек, ташхисланган бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бу қуйидаги ҳолатларни вужудга келтиради:

а) шахснинг маънавий-ахлоқий сифатлари ва ақлий салоҳияти шундай аниқ ва равшан ифодаланадики, натижада ҳосил бўладиган интеллектуал-ахлоқий сифатларини тарбиявийчи ёки ўқувчининг бошқа хислатларидан фарқлай олиш имконияти яратилади;

б) шахснинг ташҳисланган маънавий-ахлоқий сифатлари ва ақлий салоҳиятининг шаклланадиган даражасини ҳаққоний назорат қилишга йўналтирилган аниқ усулларнинг мавжудлиги таъминланади;

в) шахснинг аввалдан ташҳисланган сифатларини аниқлашга йўналтирилган назорат унда ҳосил бўлган ақлий-ахлоқий сифатлар даражасини белгилабгина қолмай, балки педагогик фаолият самарадорлигини ҳам аниқлайди;

г) ташҳислаш мақсади доирасида шахснинг ақлий-ахлоқий сифатлари даражасини белгиловчи мезонларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда уларга таянган ҳолда фаолият олиб бориш шахс билим, кўникма ва малакаларининг сифатини баҳоловчи кўрсаткичлар мавжуд бўлади.

Педагогик фаолиятни ташҳислаш бир неча босқичларда олиб борилиб, ушбу босқичларнинг ҳар бирида маълум вазифалар ҳал қилинади. Педагогик фаолият жараёнини лойиҳалаш куйидаги босқичлардан иборат:

1) муайян тарбиявий предмети мундарижасидан ўрин олган мавзу ёки фаолият мазмунига доир манбаларни йиғиш, уларнинг мазмунини ўрганиш, асосий ғояларни умумлаштириш, туркумлаштириш ва яхлитлаштириш каби вазифалар бажарилади;

2) маълум тарбиявий предмета таркибига кирган мавзу ёки фаолият мазмуни юзасидан ягона, умумий мақсадни аниқ белгилаб олиш, ушбу мақсад доирасида кичик бўлим ёки бандлар бўйича хусусий мақсадларни ҳам аниқлаш, педагогик фаолият юзасидан умумий мақсадга эришиш йўлида ижобий ҳал этилиши тақозо қилинадиган вазифалар ишлаб чиқилади. Мазкур босқич натижалари ҳамда самараси хусусий мақсадларнинг умумий мақсад доираси аниқ ва пухта белгиланишида акс этади.

3) муайян тарбиявий предметининг маълум мавзуси ёки фаолият юзасидан белгиланган мақсад ва вазифаларга таянган ҳолда мавзу бўйича ташкил этиладиган

машғулот ёки фаолият (фаолиятни йўлга қўйиш сценарийси) мазмуни ишлаб чиқилади. Мавзу бўйича олиб бориладиган машғулот ёки фаолият мазмунида уларнинг яхлит моҳиятини ифода этувчи назарий ва амалий билимлар ташкил қилади. Шунингдек, машғулот ёки фаолият мазмунида ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши кўзда тутилган билим, кўникма ва малакаларнинг ҳажми ҳам ўз аксини топиши лозим. Ушбу ҳолатларнинг машғулот ёки фаолият мазмунида акс этиши учинчи босқич самарасини белгилайди.

4) машғулот ёки фаолият мазмунининг тўлақонли очиб берилишида муҳим ўрин тутадиган шакл, метод ва воситаларни танланади. Ўқитиш фаолияти шакли, метод ҳамда воситаларининг унинг муваффақиятини таъминлашдаги аҳамиятини назарда тутган ҳолда танланиши мақсадга мувофиқдир. “Талабаларни ижодий изланиш, фаоллик, эркин фикр юртишга йўналтира олувчи таълим шакли, метод ва воситаларининг танлай олиниши машғулотларнинг қизиқарли, баҳс-мунозарага бой бўлиши, ижодий тортишувларнинг юзага келишига туртки беради. Мана шу ҳолатдагина ўқувчилар ташаббусни ўз қўлларига оладилар, таълим берувчининг зиммасида эса уларнинг фаолиятини маълум йўналишга солиб юбориш, умумий фаолиятни назорат қилиш, мураккаб вазиятларда йўл- йўриқ кўрсатиш, маслаҳат бериш ҳамда улар фаолиятини баҳолашдан иборат вазифаларгина қолади”.

5) муайян тарбиявий фани мазмунидан ўрин олган мавзу бўйича ёки фаолият юзасидан ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши талаб этиладиган билим, кўникма ва малакаларнинг ҳосил бўлиши учун сарфланадиган вақт ҳажми белгиланади; белгиланган вақт ҳажми назарий билим ҳамда амалий фаолият кўникма ва малакаларнинг ўзлаштирилиши учун хизмат қилиши лозим; ўқувчилар зўриқишларининг олдини олиш мақсадида вақтнинг оқилона белгиланиши муҳимдир;

6) ўзлаштирилган назарий билимларни янада мустаҳкамлаш, шунингдек, амалий фаолият кўникма ва малакаларини ҳосил қилишга ёрдам берадиган машқ, топшириқлар тизими ишлаб чиқилади; уларнинг самарадорлиги ушбу босқичнинг якуний натижасини белгилаб беради; машқ ва топшириқлар

мавзу доирасида бўлиб, бир-бирини тўлдириши, ўзаро боғлиқ ва алоқадорлик хусусиятларини намоён эта олиши керак;

7) таълим берувчи томонидан ўқувчининг яхлит фаолиятлари, яъни назарий билимлари ва амалий кўникма ҳамда малакаларни ўзлаштириш ва қўллаш даражасини назорат қилиш мақсадида унинг шакл, метод ва воситаларини аниқланади; булар машғулот ёки фаолият мазмуни, йўналиши, шунингдек, бош ғояси моҳиятининг ўқувчилар томонидан уларнинг қай даражада ўзлаштирилганлигини батафсил очиб беришга хизмат қилиши лозим;

8) ишлаб чиқилган лойиҳани фаолият жараёнига амалий жиҳатдан татбиқ этилади.

Ўқитиш жараёнини лойиҳалашга нисбатан технологик ёндашувнинг муҳим хусусияти унинг изчилликка эгаллигида намоён бўлади. Таълим технологияси таълим мақсадларини аниқлаш, яхлит жараённи қисмларга ажратиш, таълим жараёнида ўқитувчи ва тарбиявийчи ўртасида юзага келувчи муносабат мазмунини такомиллаштириш, ижодий кайфиятни қарор топтириш, техник ва ахборот воситаларидан унумли фойдаланиш каби муаммоларнинг ижобий ҳал этилишига хизмат қилади.

Таълим муаммоларини ижобий ҳал этишга йўналтирилган педагогик технологиялар қуйидаги тамойилларга таянади:

1. Яхлитлик тамойили. Мазкур тамойил мазмунида қуйидаги икки жиҳат акс этади: таълим ва шахе камолотининг бирлиги; педагогик технологиянинг муайян, қатъий тизимга эгаллиги.

2. Асослилик тамойили. Ушбу тамойил муайян тарбиявий фанлари ёки фаолият ўзининг негизини ифодаловчи тушунчалар, бош ғояси ҳамда маълум асосларига эта эканлигини ифодалайди.

3. Ижтимоий маданият тараққиёти билан уйғунлик тамойили. Айрим адабиётларда ушбу тамойил маданиятни англаш, маданий ҳаётнинг ривожланишига нисбатан мувофиқлик тамойили тарзида қайд этилган бўлсада, мазмун жиҳатидан ягона фикрни ифода этади. Мазкур тамойилнинг моҳияти таълим фаолияти ижтимоий жамият ривожини, маданий тараққиёти даражасини, шунингдек, ижтимоий муносабатлар мазмуни ва ғоясидан келиб чиқиб белгиланишини ифодалашга хизмат қилади.

4. Таълим жараёнини инсонпарварлаштириш тамойили. Ушбу тамойил таълим жараёнининг шахсга таълим бериш, уни ривожлантиришни ифодалайди. Бошқача айтганда, «...инсонпарварлаштириш - бу инсоннинг жамият билан боғлиқ барча муносабатлари жараёнида инсон омили унинг кадр-киммати, шаъни, ор-номуси, ҳуқуқ ва бурчларини ҳурматлашга асосланган фаолият жараёни бўлиб, инсонпарварлаштириш барча шароитлар инсон ва унинг камолоти (тараққиёти) учун» деган ғоя асосида ташкил этиладиган фаолият жараёни эканлигини англатади.

5. Ўқитиб тадқиқ этиш, тадқиқ этиб ўқитиш тамойили. Ушбу тамойил ҳам ўзида қуйидаги икки жиҳатни ифодалайди: ҳар бир ўқитувчи ўз соҳасида ўқувчиларни жалб этган ҳолда тадқиқот, ижодий изланиш олиб бориши лозим; ўқитувчи фаолият технологиясини ишлаб чиқади, уни амалиётда синаб кўради, кузатади ва унинг мазмунига тузатишлар киритади, бевосита амалиётга татбиқ этади.

6. Ўқитиш фаолиятининг узлуксизлиги. Ушбу тамойил касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларига назарий билимларни бериш, уларда амалий фаолият кўникма ва малакаларини ҳосил қилишни узлуксиз равишда ташкил этиш лозимлигини англатади.

7. Фаолиятли ёндашув тамойили. Мазкур тамойил назарий-амалий фаолиятнинг ўзаро алоқадорлигини таъминлайди.

Педагогик технология назарияси учун юқорида баён этилган тамойиллар билан бирга қуйидаги қонуниятлар ҳам муҳим аҳамият касб этади:

- таълим жараёнини оптималлаштириш қулай шарт-шароит яратиб, оз вақт ва кам куч сарфлаб, педагогик фаолиятни амалга оширишда қулай натижаларга эришиш;

- педагогик фаолиятга фан-техниканинг янги ютуқлари, шунингдек, дидактик қонуниятларни татбиқ қилиш, таълим мазмунини узлуксиз, изчил ва мақсадга мувофиқ равишда янгилаб бориш;

- таълим жараёнининг моҳияти, илгари сурилган мақсад ва вазифаларнинг ижобий ечимини таъминлашга хизмат қилувчи шакл, метод ва воситалардан самарали фойдаланиш, педагогик мулоқот жараёнининг илмий асосларини ўрганиш, тадқиқ этиш, доимий ижодий изланишда бўлиш; таълим жараёнининг субъектлари (ўқитувчи ва тарбиявийчи-ўқувчи) фаолияти, улар ўртасидаги муносабатни оқилона ташкил этиш,

Ўқитувчи томонидан педагогик фаолият жараёнининг умумий манзарасини кўра олиш, вазиятларнинг тўғри баҳоланишга эришиш;

- ўқувчи педагогик фаолият жараёнининг фаол, етакчи субъектига айланиши, ўз имконияти ва иқтидорини эркин рўёбга чиқара олиш лаёқатига эга бўла олиши;

- педагогик фаолиятни жадаллаштириш, шу мақсадда ахборот технологиялари хизматидан фойдаланиш;

- педагогик фаолиятни ташкил этиш учун зарур бўлган моддий- техник базани вужудга келтириш;

- педагогик фаолият натижаларининг холис баҳоланиши;

- талабаларнинг назарий билимлари ҳамда амалий кўникма ва малакалари, шунингдек, педагогик технологиялар самарадорлигини баҳолашни автоматлаштириш ва ҳоказолар.

Таълим технологиялари доирасида янги тарбиявий материалнинг талаба томонидан ўзлаштирилишига муҳим аҳамият қаратилади. Тарбиявий материални ўзлаштириш муайян фан асослари ёки мавзу юзасидан керакли маълумотларни олишдангина иборат бўлмай, балки шахс дунёқарashi, фикрлаш қобилиятини ривожлантириш учун хизмат қилиши лозим. Таълим технологиясида тарбиявий материални ўзлаштириш бир неча босқичдан иборат бўлиб, улар қуйидагилардир:

1-даража: ўқувчиларга муайян топшириқ ёки масалани ечишдан кўзланган мақсад, ҳал этилиши лозим бўлган вазият ва ҳаракат йўналиши кўрсатилади. Талаба тавсия этилган топшириқ ёки масалани объект, вазиятлар, уларни содир бўлиши ва бартараф этилиши, шунингдек, ҳаракатлар моҳияти ҳақидаги аввал ўзлаштирилган ахборотларни ёдга олиш асосида ҳал қиладилар. Тарбиявий материални ўзлаштиришнинг ушбу босқичи бошланғич даража ҳисобланади.

2-даража: ўқувчига муайян топшириқ, масала бўйича унинг мақсади ва вазият моҳияти ҳақида тушунчалар берилиб, ундан масалани ижобий ҳал этишда аввал эгалланган билимларни қўллаш талаб қилинади. Бу тарбиявий материални ўзлаштиришнинг алгоритмик босқичи ҳисобланади.

3-даража: ўқувчи эътиборига топшириқ ёки масалани ечишдан кўзланган мақсадгина ҳавола этилиб, уни ҳал этиш вазияти хусусида маълумот берилмай, топшириқни бажариш жараёнида вазиятни аниқлаш ҳамда аввал ўзлаштирилган билимларни қўллаш талаб этилади. Талабанинг фаолияти тайёр алгоритм ёки қоидага мувофиқ бажарилмайди, балки топшириқни бажариш юзасидан амалга ошириладиган ҳаракат жараёнида ўзлаштирилган қоидалар ёдга олинади ва улар асосида топшириқнинг ижобий ечими таъминланади. Бу босқичда талабанинг мустақил фаолият юритиши таъминланади. Шу боис, ушбу даража эвристик даража деб юритилади.

4-даража: талабага масала, топшириқни бажаришга йўналтирилган фаолият мақсади умумий ҳолда тушунтирилади, мақсадни амалга ошириш учун энг мақбул вазиятни белгилаш ва ҳаракатни амалга ошириш талаб этилади. Бу босқич ижодий хусусият касб этиб, талаба топшириқни бажариш жараёнида ҳаракатнинг янги қоидасини яратади, ижодий изланиш олиб боради. Ушбу босқич ижодий фаолиятни ташкил этиш босқичи ҳисобланади [33].

Тарбиявий материални ўзлаштириш жараёнида юқорида қайд этилган босқичларнинг қуйидан юқори даражага тадрижий ўсиб бориши орқали унинг ўқувчилар томонидан ўзлаштирилишига эришиш мақсадга мувофиқдир. Бино барин, бугунги куннинг талаби мустақил равишда билим олиш, ижодий қобилиятни ўстиришдан иборатдир.

Юқорида қайд этиб ўтганимиздек, янги педагогик технологияларнинг марказида ўқитувчи ҳамда тарбиявийчи ўртасидаги мулоқотга асосланган фаолият туради. Анъанавий таълим технологиясидан фарқли равишда ушбу фаолият жараёнида талаба етакчилик ролини бажаради. Талабанинг тарбиявий-билув жараёнидаги етакчилиги қуйидаги педагогик вазифаларни ижобий ҳал этиш имконини беради:

- 1) ўқувчида назарий билимлар ҳамда фаолиятни ўзлаштиришга бўлган ички эҳтиёж ҳамда рағбатни қарор топтириш;
- 2) назарий билимлар ҳамда фаолиятни ўзлаштиришга нисбатан онгли ёндашувни вужудга келтириш;
- 3) уларда мустақил фаолият юритиш кўникмаларини шакллантириш;
- 4) ўқувчиларнинг фаоллигини таъминлаш;

5) ўқувчиларда мустақил фикр юритиш, назарий ва амалий билимларнинг моҳиятини таҳлил этиш, англаш, улар хусусида маълум хулосалар чиқариш, умумлаштириш ва уларни амалий фаолиятга татбиқ этиш борасидаги кўникмаларни шакллантириш ҳамда такомиллаштириш;

б) ўз фаолиятини назорат қилиш ва баҳолаш лаёқатини қарор топтириш.

Педагогик технологияларни таълим амалиётида қўллаш билан бирга уларнинг самарадорлигини ҳам баҳолашга алоҳида аҳамият бериш керак.

Педагогик технологияларнинг самарадорлигини аниқлаш мезонлари педагогик фаолиятни ташкил этишдан кўзланган мақсад ва унинг натижаланганлик даражасини аниқлашга имкон беради. Шу мақсадда янги педагогик технологияларнинг самарадорлигини аниқлаш мезонлари мавжуд бўлиб, улар қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Янги педагогик технологияларни лойиҳалаш ва уларни қўллаш босқичида баҳолаш.
2. Янги педагогик технологиялар асосида ташкил этилган таълим натижаларини баҳолаш.

Миллий таълим равнақини таълим тарбия амалиётига самарали ва тежамли, янги шакл, воситаларни қўллаш, изланиш орқали юқори натижаларга эришишни кўзловчи педагогик технологиялар таъминлайди. Мактабгача тарбия янги педагогик технологиялардан оқилона фойдаланиш тарбияни таълимга боғлаш, ҳар иккисини тузилиши ва мазмун жиҳатдан яхлитлаштиришга, тарбияланувчи фаолиятини уюштиришга, мустақил фикрлашга йўллаш учун қулай шароит яратади.

Демак, педагогик инновацион технология таълим-тарбия жараёнини илғор воситалар, методлар, техник воситалар, усулларига таяниб такомиллаштириш тизими ҳисобланади. Бу тизим ўқитувчи ёки тарбиячи томонидан яратилади, таълим-тарбия босқичларини ўзаро боғлашга хизмат қилади. Унинг мазмуни ва вазифаларини, мақсадини олдиндан белгилаш, таълим-тарбиянинг шакиллари ва воситаларини тайёрлаш, тарбияланувчида шакллантириш кўзда тутилган маънавий сифатларни ўзлаштиришга йўналтирилган машғулотларни режалаштириш кабиларни ўз ичига олади.

Шунинг учун таълим жараёнида боланинг тутган ўрни, яъни болага катталар томонидан кўрсатилган муносабат педагогик технологиянинг муҳим хусусиятидир.

Машғулотлар орқали самарали натижаларга эришиш илғор инновацион технологияларни қўллаш орқали юзага келади. Демак, педагогик технология таълимга тизимли ёндашув асосида татбиқ этилади.

Ушбу тизимда:

Тарбияланувчининг ёши, рухияти, дунёқараши, билими, фаоллик даражаси ва бошқалар эътиборга олинади.

Таълим-тарбиянинг мақсади, йўналиши, мазмуни, шакллари, усуллари.

таълим-тарбия жараёни.

Тарбиячининг бу жараён ташкилотчиси, раҳбари, ижодкор сифатидаги фаолияти асосини унинг билими ва маҳоратини, техник воситалардан фойдаланиб, боланинг қизиқиш ва интилувчанлигига таъсир кўрсатиш, болани энг кўп даражада фаоллаштиришга хизмат қилувчи усулларни қўллаб, қафолатланган самараларга эришиш қобилияти ташкил этади.

Инновацион технологияларни мактабгача таълим муассасаларида – ўйин, машғулот, сайр давомида қўллаш яхши самара беради.

Биз ҳозир инновацион технологияларни ўйин ва машғулот давомида қўллаш усулини кўриб чиқамиз.

Маълумки ўйин фаолияти болалар ҳаётининг мазмунини ташкил этиш билан бирга, уларни атрофни, қолаверса, барча яқинларини танишга ёрдам беради, келгуси ўқув фаолиятига руҳан, ақлан тайёрлаб боради. Айни пайтда ўйин бола учун эрмак, қувонч манбаи ҳамдир. Боланинг диққати, хотираси, ижодий тафаккури ва тасаввурини ҳамда дунёқарашини шакллантиришга, ўциришга хизмат қиладиган воситадир. Бу жихатлар боланинг бундан буёнги ҳаётида муҳим ўрин тутаяди.

Кичкинтойларда ўйинга бўлган қизиқиш шу даражадаки, баъзилар фақат ўйин билан банд бўлғиси келади. “Келинг, бирга ўйнайлик”, “Дадажон, онажон, ўйинчоқ олиб беринг” каби илтижоларни кўп эшитишимиз мумкин. Бу таклифларга қўъниб, ҳамма ишимизни бир дақиқа нарига суриб, чарчоғимиз, ташвишларимизга қарамай: “Бўпти, қайси ўйинни уйнаймиз” десак борми, бир онда биз йўловчи, хайдовчи, ўқувчи, очкўз бури, кўрқоқ қуён, уколли доктор ва бошқа персонажларга айланиб, уларнинг қувончларига сабаб бўламиз. Бола билан уйнар эканмиз, биз ҳам ўз олдимизга мақсад қуйиб боришимиз керак. Ўйин давомида албатта биз уларнинг хохиши, истаги бўйича ҳаракат қилишимиз, бизнинг шу пайтдаги асосий ишимиз боланинг айтганларини бажариб, уни хушнуд қилиш, вақтини чоғлаш ва шу асосда муайян кўзлаган ниятимизни амалга ошириб, болани маълум мақсадга йўналтиришдир. Масалан, биз бола идрокини ривожлантиришни ўз олдимизга вазифа қилиб қуйишимиз мумкин. Идрокни ўстиришга қаратилган ўйинлар болада нарсаларнинг ранги, шакли, катталигига кўра таҳлил қилиш малакасини шакллантиради.

Мактабга тайёрлов даврига келиб, болалар ранг каторидаги 7 хил рангни бемалол фарқлай оладилар. Улар асосий геометрик шакллар (доира, туртбурчак, тўғри туртбурчак, учбурчақларни билишлари лозим. Намунага кўра, ёки номи айtilган маълум бир шаклдаги нарсаларни ажрата олишлари керак. Шундан келиб чикиб, сизларга 3-4 ёшли болалар учун ўйин машғулотларини тавсия этамиз.

“Нима думалайди?”

Бу ўйин машғулоти орқали болалар нарсаларнинг шакли билан танишадилар.

Шундай қилиб болалар билан қувноқ ўйин – мусобака уюштирилади.

- Ким ўз кўлидаги шаклни пол ёки столга ўрнатилган ўйинчок дарвозадан тезроқ думалатиб ўтказа олади.

Думалатиш учун шарча ёки кубни тақлиф этамиз. Аввалига болалар учун дарвозага нимани думалатиб киритишнинг фарқи бўлмас, лекин бир неча ўринишдан сўнг у шарчани танлаган одам ютаётганлигини тушуниб қолади. Ана шунда келаси сафар у ҳам шарчани олишга ҳаракат қилади. Худди шу пайтда:

- Нега айнан шу шаклни, шарни думалатмоқчисан – деб сўраймиз. Ўнга хатти-харакатларини асослашига, хулоса чиқаришига ёрдамлашамиз. “шарча думалайди, кубик думаламай тухтаб қолади”. Бола эътиборини кубдаги ўткир кирраларга қаратамиз. Шарнинг текислигини, кирралари юклигини кўрсатамиз.

Расмда оддийгина доира ва туртбурчак шаклида намоён бўлади. Болага шар ва куб расмини чизишни тақлиф этамиз.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки бу ўйинлар орқали болаларда мантикий фикрлашни, диққатни жамлашни, сезгини, бир нарсани тезда идрок этишни, умумлаштиришни, чакконликни ривожлантириш мумкин. Таълим тизими, шахсни шакллантириш учун, давлат талаблари асосида ўқитувчилар, тарбиячилар шахсини ҳар томонлама мукамал бўлишини талаб қилади. Янгиланаётган мактабгача таълимга давлат ва жамият томонидан қўйиладиган таълаб таълим соҳалари бўйича ўзаро мувофиқлик ва мутаносиблик тўла таъминланиши лозим. Шу жиҳатдан мактабгача таълим давлат талабларини белгилашда шуни ҳисобга олиш керакки, таълим жараённинг таркибини, худди шу таркибий қисмларнинг мазмунини ҳам модернизациялаш, янги замонавий педагогик технологияларни қўллаш имконини беради.

1.2. Мактабгача таълим муассасасида ташкил этиладиган тарбиявий тадбирларнинг асосий йўналишлари

Кузатишларимиз ва тажрибалар шуни кўрсатадики, мактабгача таълим муассасаларида ташкил этиладиган тарбиявий тадбирлар асосан қуйидаги йўналишларда ташкил этилади:

- 1) ватанпарварлик ва ҳуқуқий тарбия;
- 2) ахлоқий ва эстетик тарбия;
- 3) экологик тарбия;
- 4) жисмоний тарбия ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш;
- 5) касб-хунарга йўллаш.

Биринчи – ватанпарварлик ва ҳуқуқий тарбия йўналишидаги тарбиявий тадбирлар мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиларнинг давлат рамзлари, конституция ҳақидаги тасаввурлари ва билимларини таркиб топтиришга йўналтирилгандир. Бугун амалий фаолиятда мактабгача таълим муассасаларида ўргатиладиган конституция моддаларининг шарҳи яратилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Қуйида айрим конституция моддалари шарҳига тўхталиб ўтамыз:

1-модда. Ўзбекистон-суверен демократик республика. Давлатнинг “Ўзбекистон Республикаси” ва “Ўзбекистон” деган номлари бир маънони англатади.

Мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари:

- туғилиб ўсган жойи (шаҳар, қишлоқ, маҳалла)ни билиши;
- Она-Ватанга нисбатан муҳаббат уйғониши;
- оила аъзолари: ота-она, ака-ука, опа-сингил, қон-қариндошларига бўлган ҳурмат хиссининг таркиб топиши;
- халқи, урф-одатлари, тарихий жойларни билиши;
- Ўзбекистон Республикасининг рамзлари: байроқ, герб, мадҳия мазмун-моҳиятини англаш ва ҳурмат билан қараш зарурлиги;
- ўзбек халқи ва давлат тили – ўзбек тили эканлигини билиши;
- миллий байрамлар – “Мустақиллик куни”, “Хотира ва қадрлаш куни”, “Наврўз”, “Ҳайит” байрамлари ҳақида тушунчага эга бўлиши;
- маънавий меросни асраш зарурлигини тушуниши лозим.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланадиган ўз давлат рамзлари – байроғи, герби ва мадҳиясига эга. Мазкур модда юзасидан тарбияланувчилар қуйидаги маълумотларга эга бўлишлари керак;

- Давлатимизнинг номи, унинг рамзларининг маъно-мазмунини англаш ва уларга нисбатан ҳурмат билан қараш зарурлиги;

- Давлатимиз рамзларидан фахрланиш ва уларни ҳамisha ҳимоя қилиш;

- мадҳия матнини яратган шоирни, мусиқасини яратган бастакорнинг исми, шарифларини билиш;

- Давлатимиз рамзларининг тавсифи ҳақида тушунчага эга бўлиш.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг пойтахти –Тошкет шаҳридир.

Болалар Ўзбекистон Республикасининг пойтахти – Тошкент шаҳри эканлигини англашлари зарур. Тошкент шаҳри ҳақида ыуйидаги маълумотларга эга бўлишлари керак: Тошкент – қадимий шаҳар, унинг энг катта майдони – Мустақиллик майдони, энг катта хиёбони – Амир Темури хиёбони, хиёбонда А. Темурининг ҳайкали бор. Хиёбон яқинида Темурилар тарихий музейи бор. Яна шаҳарда Ўзбекистон миллий боғи, бир неча меъморий ёдгорликлар бор.

37-модда. Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

- болаларда меҳнатга ижобий муносабатни тарбиялаш;

- болаларни берилган топшириқни астойдил бажара олишларига эришиш;

- катталар меҳнати ҳақидаги тасавурини бойитиш;

- меҳнат қуролларининг номини, вазифасини билиш;

- меҳнатни чин юракдан бажарган бола меҳнатсевар ҳисобланишини, меҳнатсеварлик бебаҳо фазилат эканини англаш;

- касб -ҳунар сўзларини маъносини англаш;

- кишилар меҳнатда кўрсатган хизматларини рағбатлантири-лиши ҳақида қисқача тушунча бериш.

МТМларида “Эстетик тарбия” йўналишидаги тарбиявий тадбирларга катта эътибор қаратилади. Мусиқа, бадиий адабиёт, меҳнат ва миллий қадриятлар воситасида тарбияланувчиларни эстетик тарбиялашга доир тадбирлар тизимли равишда ташкил этиб келинади.

Болада бир ёшлигида сенсор-ҳиссий идроки ривожланиб боради. Кейинчалик бола идроки янада такомиллашиб, нафақат баъзи предметлар хусусиятларини идрок этиш, балки баъзи санъат асарларини эстетик томонларини ҳам идрок этишни бошлайди.

Бола атрофдаги ҳиссий таъсирни вужудга келтирувчи нарсаларни кўриш орқали нутқи ривожланади, бола луғати эстетик хусусиятлар билан бойиб боради: гўзал-чиройсиз, тоза-ифлос, катта-кичик, қувончли-қувоничсиз в.х. Болалар бадиий фаолиятининг (муסיқа, тасвирлаш, бадиий сўз) баъзи турларини биргаликда амалга оширади. Кичик ёш гуруҳи болалари эстетик диди секин-аста ривожланиб, такомиллашиб боради. Бадиий асарлар ва уларнинг ритми, рифма, ранги каби элементларини идрок эта бошлайди. Бола бадиий асарда тасвирланган ўзига таниш предметларни кўрганида жуда қувонади ва уларни тасаввуридан ўтказишга ҳаракат этади. Шу каби унинг бадиий фаолияти аста-секин оддийдан мураккабликга ўтиб боради. Улар нафақат тасвирлашда, балки муסיкий фаолиятида ҳам оддий малакаларни эгаллайди, буни эса ижодий фаолиятининг дастлабки аломатлари сифатида намаён қила бошлайди. Булар эса болада кичик ёш давридаёқ бадиий фаолиятнинг эстетик сифатини шаклланаётганини кўрсатади.

Ўрта ёш гуруҳида идрок этиш анча ривожланади, унинг аниқлиги ва хилма-хиллиги намаён бўлади. Бу даврдаги эстетик идрок этиш боланинг хусусий тажрибасига ва унинг қизиқишларига асосланади. Эндиликда бола бадиий образларни эстетик баҳолаш, баъзи эстетик воситаларни ҳис қила олиш, санъат асарларини маъносига тушуна олиш кўникмаларига эга бўла бошлайди. Болалар эндиликда ашулани қора сўздан, бадиий асар, муסיқа ва тасвирий санъат жанрларни бир-биридан фарқлай олади. Уларда ижодорликка интилиш аниқ намаён бўла бошлайди, бола рақсни, кўшиқ айтишни ва сахна кўринишларни аниқ тарзда образли этиб беришга ўқувли бўлади.

Катта ёш гуруҳ болалари муסיқа ва бадиий асарларни қуйи гуруҳларга нисбатан диққатли тинглаши, тасвирий санъат асарларини тасаввур қилиш, уларни чуқурроқ тушиниш, яхшиликка қувониш, ёвузликка мурасасиз бўлиш имконига эга бўлишади. Бу даврда бадиий-ижодкорлик кўникмалари жадал ривожланади, топишмоқлар, кўшиқлар, тақмоқларни амалда ишлатади, расмлар чизади, аппликациялар билан шуғулланади. Бу ёш болалари нафақат ўз ижодкорлигига, балки бошқалар ижодкорлигига ҳам баҳо бериш кўникмаларини эгаллайди. Болалар энди санъат асарларининг фақат эстетик сифатларини тасаввур этибгина қолмасдан, балки уларнинг маъно-мазмунларини ҳам англай олади. Болаларда санъат асарларини ва кундалик турмушда учрайдиган гўзалликка қизиқишлари шаклланади. Бадиий ижодкорлик кўникмалари зарурли шаклдаги турғун ва аниқ бўлмаса ҳам кўзга ташлана бошлайди[47].

Муסיқа машғулотларида тарбияланувчиларнинг билиш ва ақлий фаолиятлари ҳам фаоллашади. Болалар муסיқани диққат бериб тинглар эканлар кўп нарсаларни билиб оладилар. Бирок, бунда улар муסיқанинг энг умумий хусусиятлари энг ёрқин образларинигина идрок этадилар. Агар боланинг олдига муסיқани эътибор бериб тинглаш, унинг ифода воситаларини фарқлаш, қиёслаш, ажратиш вазифалари қўйилган бўлса эмоционал муносабат ўз аҳамиятини йўқотмайди. Бу ақлий ҳаракатлар бола хиссиёти ва кечинмалари доирасини бойитади ҳамда кенгайтиради, уларга онглиликни таркиб топтиради .

Муסיқали эстетик тарбиянинг гармониклигига муסיқа фаолиятининг мактабгача ёшдаги болаларга тушунарли бўлган барча турларидан, ўсиб келаётган инсоннинг барча имкониятларидан фойдаланилган тақдирдагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Шу билан бирга педагогикнинг вазифалари мураккаблаштирилар экан, болаларнинг ўзларига хос таъсирчанликларини суистеъмол қилмаслик лозим. Муסיқа санъати, унинг ўзига хос хусусиятлари педагогнинг олдига бир қатор специфик вазифаларни ҳал қилишни кўндаланг қилиб қўяди:

- муסיқага муҳаббат ва қизиқишни тарбиялаш. Фақат эмоционал таъсирчанликни ва мойилликни ўсиштиришгана муסיқанинг тарбиявий таъсирида кенг фойдаланиш имконини беради;

- болаларни муайян уюштирилган система ёрдамида турли хилдаги муסיқа асарлари ҳамда унда фойдаланиладиган ифода воситалари билан таништириб, уларнинг таассуротларини бойитиш;

- болаларда муסיқа ҳамда ашула айтиш, ритмика, болалар муסיқа асбобларини чалиш соҳасида энг оддий ижрочилик малакаларини шакллантириб, уларни муסיқа фаолиятини хилма - хил турларида қатнаштириш. Уларни муסיқа саводининг элементлари билан таништириш. Буларнинг барчаси болаларга онгли, бевосита, ифодали ҳаракат қилиш имконини беради;

- болаларга умумий муסיқа қобилиятини (сенсор юқори ладда эшитиш, ритмни ҳис қилиш қобилиятларини) ўстириш, хонандалик овози ва ҳаракатларнинг ифодалалигини таркиб топтириш. Агар мазкур ёшда болани актив амалий фаолиятга ўргатилса ва қатнаштирилса унинг барча қобилиятлари шакилланади ва ўсади;

- боланинг муסיқа дидини камол топишига ёрдам бериш . Муסיқа ҳақида олинган таъсир ва тасаввурлар асосида аввало ижро этилаётган асарларга нисбатан танлаш, сўнгра эса баҳолаш муносабатлари намоён бўлади;

- болаларда мусиқага, энг аввало - уларнинг бундай фаолиятлари учун қулай бўлган мусиқа ўйинлари ва хороводларга образларни ифодалаш таниш рақс ҳаракатларида янги бирикмалар қўллаш, хиргойи қилиш каби фаолиятларга ижодий муносабатни ўстириш. Бу кундалик ҳаётда ўрганилган репертуардан фойдаланиш, мусиқа асбобларини чалиш, ашула айтиш, рақсга тушишларни қўллашдаги мустақилликни ташаббус, иштиёқни аниқлаш имконини беради. Албатта юқоридагиларнинг намоён бўлиш кўпроқ ўрта ва катта мактабгача тарбия ёшдаги болалар учун муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

МТМларида амалга ошириладиган тарбиявий ишларнинг муҳим йўналишларидан бири – экологик тарбиядир. Болаларнинг табиат қўйнидаги ҳулқ-атвори ва фаолиятини кузатиш шуни кўрсатдики, уларда энг аввало табиат бойликларига нисбатан истеъмомчилик муносабатлари вужудга келади. Улар энг чиройли ва ноёб гулни узиб олишга, ҳеч бир заруриятсиз шох-шаббаларни синдиришга, жониворларга озор етказишга, гулхан ёқиш учун ёш ниҳолларни чопиб қирқишга ва ҳоказоларга интиладилар.

Кузатишларнинг тасдиқлашича, болаларнинг атроф-муҳитдаги фаолияти асосан ўз-ўзидан, қутилмаган тарзда кечади ва буни улардаги табиатга бўлган бундай муносабатнинг асосий сабаби деб ҳисоблаш тўғри бўлади Оила, маҳалла, бир сўз билан айтганда, теваракдагиларнинг, айниқса, мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларининг педагогик таъсири билан бундай ножоиз фаолият тузатиб борилади[47].

“Учинчи мингйилликнинг боласи” таянч дастурида ҳам илк ёш давридан бошлаб мактабга тайёрлов давригача бўлган ёш гуруҳлари бўйича болаларга бериладиган экологик билим, синдириладиган кўникма ва малакалар баён этилади. Жумладан, болада ўсимлик ва жониворлар ҳаётига қизиқишни, уларга нисбатан раҳмдиллик билан ва эҳтиёткорона муносабатда бўлишни шакллантириш; ўсимликларни эҳтиёт қилишга одатлантириш; дарахт, гул, экин ва ҳайвонлар билан таништириш, уларга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлишга ўргатиш; болаларга табиат ва уни асраш зарурати ҳақида маълумот бериш; болаларда жонли табиатга нисбатан меҳрибонлик ҳиссини тарбиялаш, уларга дарахт шохига осилмаслик, тош отмаслик, гулларни узиб ташламаслик, майсаларни пайҳон қилмаслик, жониворларга озор бермаслик зарурлигини англантиш; болаларга теварак-олам ва табиат ҳодисалари ҳақида маълумот бериш; болаларда табиат гўзаллигидан завқ олиш туйғусини тарбиялаш; болаларга инсон ҳаёти учун зарур бўлган иқтисодий-экологик ва табиий эҳтиёжлар ҳақида маълумот бериш кабилар кўзда тутилган[68].

“Талаблар – 2002” – бу мактабгача ёшдаги болаларга бериладиган экологик таълимни меъёрлайдиган ҳужжатдир. Бошқача айтганда, ушбу талабларда кўрсатилган меъёр ва талаблар экологик таълим сифатини баҳолаш учун мўлжалланган ўлчовлардир.

Мазкур ҳужжатда таъкидланишича, мактабгача ёшдаги болаларга экологиядан бошланғич таълим-тарбия беришнинг мақсади уларни табиатни севадиган, асраб-авайлайдиган, одобли, эркин фикрловчи, миллий ғурур эгаси, баркамол соғлом авлод этиб тарбиялашдан иборатдир. Албатта, табиатни севиш, асраб-авайлаш, одоблилик таълим ва тарбия топганлик белгисидир.

Ёш авлоднинг соғлом ва баркамол шахс бўлиб етишишида мактабгача таълим муассасаларининг ўрни бекиёс. Шундай экан мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари зиммаларида катта маъсулият бор эканлигини кўрамиз.

Мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг бола саломатлигини сақлашдаги асосий вазифалари жисмоний машқлар билан шуғуллантириш бўлса, кейингиси эса тўғри овқатлантириш ва ухлаш тартибига амал қилиш ҳисобланади. Албатта ёш болаларни физиологик жихатдан олиб қарайдиган бўлсак, улар кўпроқ ҳаракатда бўлишлари керак, бу соғликларига фойда беради. Агар улар ҳаракатсиз қолсалар зерикадилар, организмда ҳам ўзгариш сезилмайди, яни улғайиш секинлашади. Шунинг учун мактабгача таълим муассасаси болаларида чاقқонлик, чидамлилик, эпчиллик, меҳнатсеварлик сингари сифатларни шакллантириш учун бир қанча ўйинлар ташкил этилган. Масалан, мактабгача таълим муассасасиларда ўтказиладиган “Соғломжон – полвонжон” мусобақасини олиб қарайдиган бўлсак, бу мусобақа орқали болаларнинг жисмоний ҳаракати фаоллигини, меҳнатга муносабатини, қизиқишини, фикрлашини, тасаввур қилишини шакллантирилади. Буларни ташкил қилишда ва жисмоний машқларни олиб боришда мактабгача таълим муассасасилар тарбиячилари қуйидагиларга эътибор беришлари мақсадга мувофиқ:

- гигиена жиҳатидан жойининг ҳолатига қараб машғулот ташкил этиш;

- экологик ҳолатни ҳисобга олиш;

- болаларнинг махсус кийимлари ва пойафзалларда бўлишига эътибор қаратиш.

Мактабгача таълим муассасаларида амалга ошириладиган болалар жисмоний тарбиясининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- соғлиқни мустаҳкалаш ва чиниқтириш, тўғри жисмоний ривожланиш ва организмнинг иш қобилиятини оширишга кўмаклашиш;

- ҳаракат кўникма ва малакаларини шакллантириш ҳамда такомиллаштириш, ҳаракатнинг янги турларини ўрганиш ва улар билан боғлиқ билимларни бериш;
- асосий ҳаракат- хислатлари (кучлилик, тезлик, чаққонлик, бардамлик ва шу сингари)ни ривожланиш;
- гигиеник малакаларни сингдириш, жисмоний машғулотлар ва чиниқиш гигиенаси соҳасидаги билимлардан хабардор қилиш;
- ирода, дадиллик, матонат, интизом, жамоатчилик, дўстлик ва ўртоқлик туйғулари, маданий хулқ – атвор кўникмалари, меҳнатга ва ижтимоий мулкка муносабат туйғуларини тинглаш;
- мунтазам равишда жисмоний машқлар билан шуғулланиш одатини шакллантириш ва бу машғулотларга барқарор қизиқиш пайдо қилиш;
- ташкилотчилик малакаларини сингдириш, жамоатчилик, жисмоний тарбия активлигини ошириш.

Мактабгача таълим муассасасида кичкинтойларни касб-ҳунарга йўналтириш ишларини теварак-атроф ва табиат билан таништириш, нутқ ўстириш ва бадиий адабиёт, тасвирий фаолиятни ташкил этиш машғулотларида, сайр ва экскурсия, суҳбатлар ва қизиқарли учрашувлар, хуллас кун давомида олиб бориш имкониятлари бисёр. 2-3 ёшли гуруҳ болалари “Дехқон ва айик” эртагини тинглаб, илк бор дехқон касб-ҳунари ҳақида эшитади. Кейинги машғулотларда дехқон меҳнати, унинг етиштирган сабзавотлари билан танишади. Ўрта ва катта тайёрлов гуруҳларда турли касб эгаларининг меҳнати билан танишиш орқали, интерфаол услубларда ўтказилган машғулотларда, сайр ва экскурсияларда, кузатишлар орқали турли касб-ҳунарлар ҳақида билим ва малакаларни оширишади.

Гуруҳга янги ўйинчоқ олиб келишди. Тарбиячи уни болаларга биринчи кўрсатганидаёқ, бу ўйинчоқнинг чиройига, бекаму-кўст қилинганлигини, уни асраб-авайлаш лозимлиги, ўйинчоқни ясаганда катталар меҳнати ҳақида сўз юритади, болаларда катталар меҳнати маҳсулига завқ уйғотади.

6-7 ёшли болалар билан “Ким бўлсам экан?” мавзусида қизиқарли ўйин машғулотлари давомида болаларда шифокор, учувчи, шофёр, милиционер, космонавт, ўқитувчи, артист, дехқон, тикувчи каби касб-ҳунарга бўлган қизиқишларини ривожлантирилади.

Айниқса, ўзбек миллий ҳунармандчилик билан таништириш давомида болалар нафақат қадимий касб-ҳунарлар ҳақида маълумот олишлари билан бирга уларда

гиламдўзлик, этикдўзлик, кулолчилик, чилангарлик, наққошлик, дўппидўзлик каби хунарларга кизиқиш пайдо бўла бошлайди.

Болаларни турли касб-хунар маҳсулоти намуналари билан таништириш давомида бу касб эгаларининг машаққати, оғир меҳнат туфайли яратилганлиги, ҳар қандай буюм кўп меҳнат эвазига яратилишини уқтирилиши мақсадга мувофикдир[47].

Муассасада болаларни меҳнатсевар этиб тарбиялаш, меҳнатга бўлган муносабатларини шакллантириши илк бор ўз-ўзига хизмат қилишдан, гуруҳларда навбатчилик қилиш, гулларни парвариш, ҳовлидаги майдончада тозаликни сақлаш каби топшириқлардан бошланади. Ушбу топшириқларни бажариши орқали болада бу топшириқларни бажаришга иштиёқ, ҳавасни уйғотиш муҳим. Бажарилган топшириқ учун, машғулотда чизган расм учун бола рағбатлантирилса, унда шу каби ишларни янада яхшироқ, пухтароқ бажаришга иштиёқ пайдо бўла бошлайди, ҳар қандай ишни тиришқоқлик билан, бекаму-кўст бажариш кўникмалари шаклланади.

Мактабгача ёшдаги болаларда меҳнат қилиш инсонга энг зарур хислат эканлигини ҳақида дастлабки фикр шаклланишда ўйин жараёни катта аҳамият касб этади. Турли-хил сюжетли-ролли ўйинлар давомида “Дўкон-дўкон”, “Мактаб-мактаб”, “Сартарош”, “Бозор-бозор”, “Доктор-доктор” каби ўйинларда болалар сотувчи-харидор, шифокор-бемор ўзаро муносабати ҳақидаги тасавурлари кенгаяди. Нутқ ўстириш ва бадиий-адабиёт машғулотларида болалар турли топишмоқлар, мақол ва тез айтишлар билан танишади. Ўзбек ҳалқи яратган топишмоқлар унинг ижтимоий ҳаёти ва турмушининг барча томонларини камраб олади. Топишмоқларнинг катта қисми дехқон меҳнати, дехқончилик, полизчилик, уй юмушлари билан боғлиқ бўлиб болаларда бу касб эгаларига бўлган кизиқишларни ривожлантиришга хизмат қилади.

Масалан: ошпаз касби билан таништириш жараёнида унинг меҳнат қуроллари ва маҳсулотлари ҳақидаги топишмоқлар билан таништириб борилади.

1. Бир қозонда, қирқ туя сув ичади (чучвара).
2. Бир косада икки хил овқат (чучвара).
3. Оқ сандиқ, оғзи йўқ сандиқ (чучвара).
4. Бир уйда икки ўртоқ, бири сариқ, бири оқ (тухум).
5. Ўзи бита, кулоги туртга (қозон).
6. Юзи юмалоқ, лўпи, бир кулоғи бор, бошига кийган дўппи (чойнак).
7. Янги идиш, таги тешик (элак).

Дехқончилик касби билан боғлиқ топишмоқлар:

1. Момиккина онаси, ёғлиқгина боласи (пахта).

2. Ўзи жонсиз, ишга полвон (кетмон).

3. Ер тагида олтин қозик (сабзи).

Гуруҳда болаларнинг илк меҳнат фаолиятини тарбиячи ташкиллаштиради, айнан тарбиячи ўзи ҳар бир болани меҳнат қилишга ўргатади, болалар ўртасида меҳнат жараёнида пайдо бўлган муносабатларни шакллантиради, ҳар бир бола ўзининг ва ўртоғининг меҳнатини тўғри баҳолай олишга одатлантирилади, бажарган ишини баҳолашда охириги натижага кўра ҳамда бажариш жараёнида сабр-тоқатли, тиришқоқ бўлишга, ишини ниҳоясига етказилишига қараб рағбатлантиради.

Машғулот давомида ёки берилган топширигини бажариш жараёнида болаларнинг ўзаро тўғри муносабатларни шакллантириш катта аҳамият касб этади. Тайёрлов гуруҳи болаларида ўртоқларининг фикр-мулоҳазалари билан ҳисоблашиш ҳис-туйғулари ривожланган бўлади. Ёш бола учун унинг кичкинагина муваффақиятларига кимдир хурсанд бўлганлигини ҳис этиш, мақташи жуда муҳимлигини катта ёшдагилар эсан чикармаслиги зарур. Муваффақият болага куч бағишлайди, ўзининг қобилиятига ишонч ҳосил қилади, топширилган топшириқларни янада кўпроқ ва яхшироқ бажаришга истаклар пайдо бўлади, болада меҳнатга бўлган ижобий муносабатлар шаклланади.

Биринчи боб бўйича хулосалар

1. Технологик ёндашув глобаллашув шароитида мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари томонидан қисқа вақт оралиғида билим, кўникма ва одатларни ўзлаштириш имкониятини беради. Мазкур назария ғояларини мактабгача таълим муассасалари тарбия жараёнига татбиқ этиш долзарб вазифа ҳисобланади.

2. Мактабгача таълим муассасаларида тарбиявий ишларни ташкил этишга технологик ёндашувни татбиқ этиш борасида дастлабки тажрибалар тўпланган бўлса-да, улар уларнинг оммалашганлик даражаси талабларга тўлиқ жавоб бермайди.

3. Гарчи мактабгача таълим муассасалари тарбиявий фаолиятида технологик ёндашув асосида тарбиявий тадбирларни ташкил этишнинг шаклланганлигига тарихан узоқ вақт бўлмаган бўлса-да, айтилган педагогика назарияси ушбу ёндашув моҳиятини очиқ беришга хизмат қилувчи салмоқли манбаларга эга.


4. Технологик ёндашув ва унинг моҳияти борасидаги методик тавсияларнинг аксарияти ушбу таълимот юзасидан назарий билимларни ўзлаштиришга имкон беради.

II БОБ. ТЕХНОЛОГИК ЁНДАШУВ АСОСИДА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАСССАСАЛАРИДА ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ АМАЛИЁТИ

2.1. Тарбиявий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш технологияси

Тарбиявий тадбирлар – турли хил моддий ва маънавий эҳтиёжларга жавоб берувчи, тарбиявий мақсадларининг ягона мажмуасига бўйсундирилган, бир-бири билан ўзаро ҳамкорлик қилувчи, ўзида бир-бутун таълимни кўзда тутувчи тарбиявий таъсир мажмуидир.

Мактабгача таълим муассасалари тарбия иш йўналишининг асосини тарбиявий тадбирлар ташкил этади. Мазкур тарбиявий тадбирлар мақсадни ойдинлаштириш, лойиҳалаштириш, амалга ошириш, назорат ва таҳлил қилиш каби иш ҳаракатлари кетма-кетлигидан иборат қуйидаги технологик чизмага асосланишни талаб этади:



2.2.1-расм. Тарбиявий тадбирларни ташкил этиш технологияси

2.2.1-расмдан кўринадик, тарбиявий тадбирларни ташкил этиш технологияси энг аввало, мақсадни аниқ белгилашдан бошланади, яъни педагогик мақсадга мувофиқлик (ушбу тадбир нима учун ташкил қилинган ва ўтказилмоқда, шунингдек, тарбиячи ва ўқувчи нимага эришиш керак?) ва педагогик маҳорат (аниқ тадбирларни ташкил этиш, тарбия жараёнининг ташкил этиш, тарбияланувчиларни қизиқтириш) ва уларнинг натижаларини назорат қилиш ва таҳлил қилиш ҳамда умумлаштириш (тарбияланувчилар нималарга ўргандилар?) каби таркибий қисмларни ўз ичига олади.

Биз қуйида мактабгача таълим муассасаларидаги тарбиявий фаолит йўналишлари билан боғлиқликда ташкил этилувчи тарбиявий тадбирлар ишланмасини тақдим этдик.

1. “Мустақиллик ва эзгулик монументи” сурати устида суҳбат.

Мақсад: Болаларда она юртга мухаббат, ватанпарварлик туйғусини шакллантириш. Болаларга Тошкент шаҳар мамлакатимизнинг пойтахти эканлиги,

Тошкент шахрига барчанинг меҳр-мухаббатини уйғотиш. Истиқлол йилларида мустақиллик майдондаги ўзгаришлар ҳақида сўзлаш. Бахтиёр она хайкали ҳақида сўзлаб бериш билан, унинг ўзига хос маъносини болаларга тушунтира олиш.

Жихоз: Сурат, видеолавҳа

Сухбатнинг бориши: Тарбиячи: болалар, юртимизнинг номи нима? (Ўзбекистон). Ўзбекистоннинг пойтахти қайси шаҳар? (Тошкент). Болалар, истиқлол йилларида пойтахтимиздаги мустақиллик майдони бетакрор қиёфа касб этди. Бу майдонда Президент И. Каримовнинг ташаббуси билан мисли кўрилмаган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбари мустақиллик майдони – азиз мамлакатимизнинг муқаддас тимсоли эканлигини кўп бор таъкидлаганлар. Тошкент шаҳридаги мустақиллик майдони – ифтихор майдони. Ўзбек халқининг муштарак орзу- умидлари эзгу истаклари ва миллий бунёдкорлик амалларининг рамзий тимсолларини намоён этган маскан бу. Ундаги ҳар бир меъморий намуналар ўзига хос маънони билдиради.

Бугун мен сиз билан мустақиллик майдонидаги “Мустақиллик ва эзгулик монументи” сурати устида суҳбатлашаман. Монументдаги бахтиёр она хайкалига диққат билан қаранг. Бу азиз гўшадаги бахтиёр Она сиймоси ҳам халқимизнинг оналаримизга бўлган меҳру мухаббат, болажон халқ эканлигимизнинг рамзий ифодасидир. Онанинг мунис чехраси, ўзбекона либоси, маъноли нигоҳи. Суратга диққат билан қаранг. Боласини севинч нигоҳи билан кучиб турган она, унга дунёдаги яхши ниятларни тилайди. Юртга, юртбошимизга содиқ, ота-онага меҳрибон ва дўстга қадрдон бўлиб улғайишини тилаётганини кузатамиз. Болалар, она хайкалига қараб онангизни эсладингизми? Оналаримиз бизга меҳрибон, оналар меҳрини ҳеч қандай дори дармон боса олмайди. Она учун фарзанд азиз, фарзанддан ширини йўқ.

Оналарни қанчалик улуғласак, биз оиламизни, Ватанамизни эъзозлаган бўламиз. Ватанни онага қиёслаб она Ватан деймиз. Дунёда онадек буюк зот бормикан? Ақлли, доно фарзанд бўламан деган бола онасини ҳурмат қилиши керак. Чунки фарзанд оналар орзуси, қувончи, бахти. ҳар бир она ўз фарзандига соғлиқ тилайди, унинг бахтли бўлишини орзу қилади. Биз оналаримизни қандай қадрлаймиз? (оналаримизга салом беришни қанда қилмаслик, барча сўзларини қунт билан тинглаш. Уларни ҳурмат билан ўрнидан туриб қарши олиш, кузатиш, қилаётган ишларига кўмаклашиш, уларни мутлоқо ранжитмаслик, уларга доимо раҳмат келтириш.) Суратга диққат билан қаранг, сизнингча она ўз боласига қандай тилакларни айтяпти? (тарбиячи болалар билан сурат асосида суҳбатлашиб, уларнинг фикрини умумлаштиради).

Тарбиячи суҳбатни шеър билан якунлаши мумкин.

Майдон мафтун этди кўпларни ғоят,

Бу жойда айтилди қанча ривоят.

Бир кун она бола кириб келди-ю,

Майдон эгасини топди ниҳоят.

2. “Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди” номли байрам тадбири

Муסיқа садолари остида болалар залга таклиф қилинади.

Тарбиячи : Болалар, Ўзбекистонимиз қачон мустақил бўлган ?

Тарбияланувчи: Ўзбекистонимиз 1991 йил 31 августда мустақил бўлди. 1-сентябрда мустақил деб эълон қилинди. Ўзбекистонимиз ўз байроғи, тамғаси, мадҳияси, пул бирлиги, паспорти, конституциясига эга бўлди.

Тарбиячи : Бизнинг юртбошимиз ким ?

Тарбияланувчиларнинг жавоби: Юртбошимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов Самарқанд шаҳрида хизматчи олиласида дунёга келган. Миллати - ўзбек. Ўзбекистонимизнинг биринчи Президенти.

Байроғи бор, герби бор,

Эркесвар Ўзбекистон.

Мадҳиянгни куйлайман,

Жонажон Ўзбекистон.

Ўзбекистон Республикаси мадҳияси айтилади.

Ўзбекистон узра ҳилпирар байроқ,

Тинчлик поспонидир ҳамиша, ҳар чоқ.

Байроқдаги мовий ранг мусаффо осмон,

Унга бошин эгар ҳар мўмин инсон.

Қизил ранг эса томирдаги қон,

Яшил ранг табиатнинг ёрқин тимсоли.

Ярим ой, юлдузлар, мусаффо осмон,

Келажаги буюк ҳур Ўзбекистон.

Тамғамизда тоғлар бор,

Дарёлар бор, боғлар болр.

Ўнг томони пахтазор,

Чап томони буғдойзор.

Чамбаракка ўралган,
 Водий узра қуёш бор,
 Ҳурлигимизнинг рамзи,
 Хумо деган қуши бор.

Тарбиячи : Болалар, Ватан бу нима?

Тарбияланувчиларнинг жавоби: Ватан бу уйимиз, боғчамиз, мактабимиз, киндик
 қони тўкилган жой, бу ҳамма-ҳаммаси Ватандир.

Мустақил заминсан, эй, она диёр,
 Қадамнинг теккан жой бўлади гулзор.
 Сен менинг ҳаётим, бахту иқболим,
 Келажаги буюк Ўзбекистоним.

Ўлка кўпдир дунёда,
 Бир-биридан зиёда.
 Ўртоқжонлар, дўстларим,
 Тингланг юрак сўзларим.

Бир гулистон дейдилар,
 Ўзбекистон дейдилар.
 Тошкент унинг пойтахти,
 Дўстликдан кулган бахти.
 Ой бўламиз, той бўламиз,
 Шўхликлари сой бўламиз.
 Амир Темур бобомиздек,
 Ботир ҳотамтой бўламиз.

Ой бўламиз, той бўламиз,
 Сўзи ширин той бўламиз.
 Йигитчалар Алпомишу,
 Қизлар Барчиной бўламиз.
 Кичкинтой деманг бизни,
 Ватан дея ёнамиз.
 Хушёргина чакқонмиз,
 Содик фарзанд бўламиз.
 Бир, икки, уч, тўрт,

Санашни ҳам биламиз.
 Тўрт муччамиз соппа-соғ,
 Соғлом авлод бўламиз.
 Мадҳиянг тилда,
 Мақоминг дилда.
 Байроғинг қўлда,
 Ўзбекистоним, Ўзбекистоним.

Сиз айтган ҳар бир жой,
 Битта бўстон бўлади.
 Ҳаммасини қўшганда,
 Ўзбекистон бўлади.

Тарбиячи : болалар, бизнинг шиор?

Бизлар ҳам бўлайлик баркамол инсон,
 Шунинг учун боғчага келайлик ҳар он.

Тарбиячи : Ҳамма жойда рекламадарга катта эътибор берилгани учун бизнинг боғчамизда ҳам рекламага эътиборсизлик бўлмайди.

1-бола: Агар сиз ҳар хил ўйинлар ўйнамоқчи бўлсангиз.

2-бола: Ўйинга қизиқсангизу ўйин ҳақида бирор-бир маълумотга эга бўлишни хоҳласангиз.

3-бола : Ўйналган ўйинларингизни осон ўйнашни хоҳласангиз, у ҳолда:

4- бола: Биз билан ҳамкорлик қилинг, боғчамизга ташриф буюринг, бизнинг боғча опаларимиз шўх ва қувноқ ўйинлар ўйнатишни асло унутишмайди.

Ҳамма болалар : Биз бунга кафолат берамиз, биз бунга кафолат берамиз.

3. “Сув байрами” кўнгилчор ўйини.

Мақсад: Болаларни сув ҳақидаги билимларини ошириш. Сувнинг хусусиятларини, сувдан қандай фойдаланиш кераклигини, сув бу ҳаёт эканлигини ўргатиш, болаларни маданий чиниқтириш кўникмаларини ошириш. Ўйнаб туриб ўйлашга, ўйлаб турибўйнашга ўргатиш.

Ўйиннинг бориши:

Ҳовузчада сувлар мўл,
 Сувда сузар ўрдак шўх.
 Қурбақалар вақиллар,
 Ўрдакларга чўзар қўл.

Тарбиячи: Қурбақа-ю ўрдакчалар қани келинлар, бу ерда сув байрамини нишонлаймиз.

Муסיқа садолари остида қурбақа ва ўрдакчалар кириб келади.

Тарбиячи: Қурбақа-ю ўрдакчалар, ҳовузчамизда сувлар тўлибди, сувда мазза қилиб ўйнаб, ҳар-хил ўйинлар ўйнаймиз. Сеҳрли муסיқа садолари остида сув маликаси пайдо бўлади.

Сув маликаси: Мени билсангиз, сув маликаси дурман, сувда ўйнайдиганларга менинг шартим бор. Шу шартни ким бажара олса, шу ҳовузда ўйнаб куладилар. Мен сизларга топишмоқ айтаман. Агар топишмоқнинг жавобини топсангиз, ҳовузда ўйнаб кулишларингга рухсат бераман.

Мен айтаман топишмоқ,
Шовқин солмангиз бироқ.
Қани дўстлар бўлинг жим,
Дарров топар экан ким.

1. Усиз яшаб бўлмайди,
Кўл юз тоза бўлмайди.

(сув)

2. Боши бору сочи йўк,
Ёғдан бошқа ҳуши йўк.

(балиқ)

3. Вақ-вақ этади,
Кўлмак сувда туради.

(қурбақа).

Сув маликаси: Қурбақа-ю ўрдакчалар, сизлар жуда билагон бола экансизлар. Сувдан яна қандй фойдаланилади ?

1. Ҳамма ёқни тоза ва озода қилиш учун.
2. Сув бу ҳаётдир.
3. Сувда гуллар ҳам ўсади.

Сув маликаси: Сувда қандай гуллар ўсади ?

1. Сувда Нилуфар гуллар ўсади. Бизнинг мактабгача таълим муассасамизнинг номи ҳам **“Нилуфар”**.

2. Сувдан бутун борлиқ яшнайди.
3. Сувни исроф қилмасдан тежаб ишлатиш керак.
4. Сув- бу ёруғлик.

5. Сувсиз ҳаёт бўлмас, меҳнатсиз роҳат.

Сув маликаси: Сизлар сувнинг хусусиятларини биласизми?

- Ёз фаслида сув қандай бўлади ?
- Иссиқ бўлади.
- Куз фаслида сув қандай бўлади ?
- Совуқ бўлади.
- Қиш фаслида-чи ?
- Сувлар музлайди.
- Баҳор фаслида-чи ?
- Музлаган сувлар эриб, сув ҳолига қайтади.

Сув маликаси: Қурбақа-ю ўрдакчалар, сизларни топқирларингиз, хозиржавоблигингиз мени қойил қолдирди. Раҳмат сизларга.

Тарбиячи : Сув маликаси, ҳозир биз болалар билан, сувда ким кўп гул териш мусобақасини ўтказамиз. Сиз ҳам кўриб томоша қилинг. Ҳовуздаги сувга гуллар узилиб ташланади. Қурбақа ва ўрдакчалар гуруҳига бўлиниб, сувдаги гулларни ким кўп теришга рухсат берилади. Гулни кўп терган гуруҳ рағбатлантириб, уларга совға берилади.

Ўйин яқунланади.

4. “Она табиат кўйнига саёҳат” (ноанъанавий мужассам машғулот).

Машғулотнинг мақсади: болаларнинг атроф-муҳитга оид билимларини чуқурлаштириш; уни севиш, авайлаб-асраш йўлларини ўргатиш; атроф-муҳитга масъулиятли муносабат асосларини шакллантириш; ҳамжихатликда меҳнат қилиш, завқланиш ҳиссини тарбиялаш.

Машғулотнинг жиҳозланиши: ўнг томонда - қушлар ўлкаси сахнаси; юқорида - тоғли макон сахнаси; чап томонда – оби-ҳаёт ўлкаси сахнаси; ариқ; ғор; ҳовуз учун тошлар; ҳар хил ўсимликлар; қафасда қушлар.

Машғулотнинг бориши:

Тарбиячи: Болалар бугун биз машғулотимизда она табиат кўйнига саёҳат қиламиз. Саёҳатимиз давомида қасрларга дуч келамиз, яна қушлар гапириши мумкин. Турли савол-жавоблар бўлиши кутилади. Бунга сиз тайёрмисиз?

Болалар: Ҳа, деб жавоб беришади.

Тарбиячи: Болажонлар, қаранглар, табиат қандай мўъжизаларга эга экан. Агар шуларни асраб-авайламасак, қандай ходисалар рўй бериши мумкин?

Болалар: Сув бўлмаса, ҳаммаёқ куриб қолади.

1-Бола: Ҳаво бузилса, инсонлар, ўсимликлар ва ҳайвонлар касалликка учрайдилар.

2-Бола: Агар қор ёғмаса, еримиз тўйиб сув ичмайди.

Тарбиячи: Ҳа, болалар, шунинг учун биз табиатни асраб авайлашимиз керак экан.

Болалар: Ия, биз қаерга келиб қолдик?

3-Бола: Қандайдир қушларнинг товуши эшитилмоқда.

Болалар: Мухтабар опа, сиз айтган қаср шу бўлса керак-а?

Тарбиячи: Ҳа, бу қандай қаср экан?

4-Бола: Мен топдим, биз қушлар қасрига келиб қолибмиз.

Келинглари кирамиз.

Она қуш: Тўхтанглари, нима қилиб юрибсизлар менинг қасримда?

Болалар: Биз она табиат қўйнида сайр қилиб юрибмиз.

5-Бола: Қасрингизга кирсак майлими?

Она қуш: Қасрга киришингиздан олдин менинг саволларимга жавоб беринг.

6-Бола: Биз саволларингга жавоб беришга тайёрмиз.

Она қуш: Мен кимман?

Бола: Мен топдим, сен Тил-Тил-Митил кинофильмидаги Она қушчасан.

Она қуш: Қушлар нима билан овқатланишади?

Болалар: Дон, буғдой, гуруч, седана, кўкатлар, нон ушқоқлари билан овқатланишади.

Она қуш: Тўғри. Энди иккинчи саволим. Қушларга сизлар озор берасизларми?

1-Бола: Биз қушларни яхши кўрамыз, ҳаттоки гуруҳимиз номини “Жиблажибон” деб номлаганмиз.

2-Бола: Биз уларга боғчамиз дарахтларида инлар қуриб берганмиз.

3-Бола: Гуруҳимизда ҳам қушлар боқамиз.

Она қуш: Сизлар бизнинг дўстимиз экансизлар. Марҳамат, қасримга киришлар.

Болалар қушларнинг олдига чопиб бориб томоша қиладилар, уларнинг сайрашини, панжаларини, тумшукларини, оёқларининг рангларини томоша қиладилар ва айтиб берадилар.

Бир четда какку қушча сайраб туради. Болалар қушчани томоша қиладилар ва танишадилар.

Бола: Мухтабар опа, мана бу қуш какку бўлса керак – а?

Тарбиячи: Ҳа, шундай.

Бола: Биз у ҳақида қўшиқ биламиз. Келинглари, қушчага айтиб берамиз.

(Болалар доира бўлиб “Какку” қўшиғини айтишади. Қушлар рақсга тушадилар).

Она куш: Бизга ашулангиз жуда ёқди. Энди мана бу кушни сизларга совға қиламиз, боғчангизда боқасизлар.

Болалар: Мухтабар опа, тоғ ён бағирларида жуда кўп доривор ўсимликлар бор экан.

Тарбиячи: Ҳа, болалар, табиб Ибн Сино ҳам инсонларни даволашда доривор ўсимликлардан фойдаланганлар. Келинглари, болалар, бир оз ўтириб дам оламиз.

Болалар ерга ўтиришади.

Тарбиячи: Болалар ҳозир мен сизларга буюк мутафаккир, олим, табиб Абу Али Ибн Сино ҳақидаги ҳикояни айтиб бераман. (Тарбиячи ҳикояни айтиб улуғ мутафаккир ҳақида маълумот беради. Сухбат чоғида савол- жавоблар қилишади).

Кейин саёҳатни давом эттирадилар. Йўлда бир қизчанинг оёғи сирпаниб, қайрилиб кетади ва ерга ўтириб олади.

Тарбиячи: Болалар, энди нима қиламиз?

Бола: Мен биламан. Оғриётган оёққа баргиз ўтни боғлаб қўйса, дарров тuzатади.

Тарбиячи: Болалар, қани баргиз ўтни олиб келинглари.

Болалар баргиз ўтни олиб келишади. Тарбиячи ўтни қизчанинг оёғига боғлаб қўяди.

Бола: Мен исирик териб келдим.

Тарбиячи: Исирик нимага дори?

Бола: Исирикни шамоллаганда уйларга тутатишади ва томоқ оғриганда чайилади.

(Болалар яна 2-3 хил ўсимликлар териб келишади)

Бола: Мухтабар опа, чанқаб кетдик.

Тарбиячи: Болалар, анави ерда булоқ кўринаяпти. Келинглари, бориб кўрамиз.

Оби-ҳаёт: Тўхтанглари, нима қилиб юрибсизлар?

Бола: Биз сайр қилиб юрибмиз. Биз жудаям чанқаб кетдик, сувингдан ичсак майлими?

Оби-ҳаёт: Менинг саволларимга жавоб берсангиз, кейин майли, ичаверинглари. Сув нима учун керак?

Болалар: Чанқов қолдириш учун, дарахтларни суғориш учун, озода юриш учун.

Оби-ҳаёт: Сувни қандай асраш керак?

Бола: Сувга туфлаш, ахлат ташлаш мумкин эмас. Сувни бекорга оқизиб қўйиш керак эмас.

Оби-ҳаёт: Тўғри, энди сувимдан ичинглари.

(Болалар сувни ичиб йўлга тушадилар. Йўлда полиз ва мевазорга дуч келадилар. Полизда олма, нок пишган, дарахтда тарвуз, қовун. Ҳаммаси чалкаштириб қўйилган. Болалар хайрон бўлиб томоша қиладилар).

Тарбиячи: Ҳа болалар, нима қиляпсизлар?

Бола: Мухтабар опа, биз ҳечам тушунмаяпмиз!

Тарбиячи: Полизда тарвуз, қовун, дарахтда эса олма, нок пишади- ку, ахир.

Бола: Ҳа, мен англадим: биз чалкашликлар дунёсига келиб қолибмиз.

Тарбиячи: Келинглари, болалар, ҳаммасини жой-жойига қўйиб чиқамиз.

(Болалар қовун-тарвузларни полизга, олма-нокларни дарахтга қўйиб чиқадилар. 2 та бола тошлардан олма қуртини ясадилар).

Бола: Биз полиз экинлари ва меваларни жой-жойига қўйиб чиқдик.

Бола: Биз олма қуртини тошлардан ясадик.

(Болалар йўлда давом этадилар. Йўлда тоғ тасвирланган сахнани кўрадилар).

Болалар: Мухтабар опа, сиз тоғ деганингиз шуми?

Тарбиячи: Ҳа, болажонлар. Биз машғулотимизда тоғлар ҳақида суҳбатлашган эдик. Мана ҳозир уларни кўриб турибсиз.

(Тоғ орасидан Қора дев чиқиб келади).

Қора дев: Қандай журъат этдингиз, менинг қасримга келишга.

Тарбиячи: Болалар, бу ким бўлди?

1-Бола: Мен топдим, бу эртақдаги Қора дев- ку.

2-Бола: Биз табиатни сайр қилиб юрувдик.

3-Бола: Сенинг қасрингдан ўтсак майлими?

Қора дев: Менинг саволларим бор, жавоб берсангиз ўтасизлар.

Бола: Беравер саволингни.

Қора дев: Қандай тоғларни биласиз?

4-Бола: Мен Оқтош тоғини биламан. Оҳақ тоши кўп бўлгани учун у ерни Оқтош дейишади.

5-Бола: Мен Чимён тоғини биламан. У ерни ҳавоси мусаффо, суви шифобахш. Биз у ерга оиламиз билан бирга дам олишга борамиз.

6-Бола: Мен Бурчмулла тоғини биламан.

7-Бола: Мен Кумуш кон тоғини биламан.

Қора дев: Қандай ер қазилмаларини биласиз?

Болалар: Газ, туз, олтин, нефть, кўмир.

Қора дев: Сизлар жуда билагон экансизлар. Марҳамат ўтаверинглари.

(Тарбиячи болалар билан бирга табиат манзараси тасвирланган ерга боришади. Шу ерда тарбиячи болалар билан она табиат ҳақида савол —жавоб қилишади).

Тарбиячи: Болалар, она-табиат деганда нимани тушунаси?

Болалар: Ер, сув, ҳаво, осмон ва ўсимликлар.

Тарбиячи: Ер бизга нима беради?

1-Бола: Ер бизни боқади.

2-Бола: Ерга турли дарахт ва ўсимликлар экилади.

3-Бола: Ерга уйлар қуриб яшаймиз.

Тарбиячи: Сув бизга нима учун керак?

4-Бола: Сув чанқовни қондиради.

5-Бола: Дарахтларни суғорамиз.

6-Бола: Сувдан озода бўлиб юриш учун фойдаланамиз.

7-Бола: Сув бўлмаса, ўсимликлар қуриб қолади.

Тарбиячи: Ҳаво бизга нима учун керак?

Болалар: Ҳаводан биз тўйиб-тўйиб нафас оламиз.

Тарбиячи: Осмон бизга нима беради?

Болалар: Осмонда қуёш чарақлаб, ер юзини ёритади ва иситади.

Тарбиячи: Осмонда яна қандай мўъжизалар рўй беради?

Болалар: Момақалди роқ бўлади.

1-Бола: Ёмғир ёғади.

2-Бола: Қор ёғади.

3-Бола: Дўл ёғади.

Тарбиячи: Демак, болажонлар, атроф-муҳитни, табиатни асраб- авайлаб, унинг неъматларидан баҳраманд бўлиб, уни муҳофаза қилишимиз зарур. Болалар атроф-муҳитдаги дарахтлар ва ўсимликларни турли касаллик ва ҳашаротлардан асраш учун нималар қилиш керак? Масалан, болалар, олмаларни қурт емаслик учун нима қилиш керак?

Болалар: Дарахтларнинг пастки қисмига пахта боғлаб, қуртларга қарши дори сепиб қўйилади. Дарахтларни эрта баҳорда оқлаб туриш зарур.

Тарбиячи: Дарахтлар нима учун қуриб қолади?

Болалар: Тагига сув қуйилмаса, ёмон болалар шохларни синдиришса дарахтлар қуриб қолади.

Тарбиячи: Болажонлар, табиат учун, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш учун ҳар биримиз жавобгар, масъул ҳисобланамиз. Болажонлар, келинлар энди сизлар билан «Полиз топишмоқ» ўйинини ўйнаймиз.

(Болалар мусиқа садолари остида топишмоқ ўйинини ўйнашади).

Тарбиячи: Болажонлар, бугунги машғулотида сизлар билан Она-табиат кўйнига сайрга чиқдик. Қани, айтинлар-чи, сизларга нималар ёқди?

(Болалар ўзларига ёққан жиҳатларни айтиб беришади).

Тарбиячи: Энди “Она табиат” ҳақидаги ашула билан машғулотида яқунлаймиз.

“Шифобахш ўсимликлар дорихонаси” ўйини.

Қатнашувчилар: сотувчи, ҳисобчи ва беморлар.

Биринчи бемор (кўлида бола кўтарган аёл) киради:

Ассалому алайкум!

Ваалайкум ассалом, хуш келибсиз, марҳамат, келинг.

Биринчи бемор: Менинг қизим сариқ касал бўлиб қолди. Менга наъматак мевасидан берсангиз.

Сотувчи: Қанча оласиз?

Биринчи бемор: ... кило. Неча сўм бўлади?

Сотувчи: ... сўм, марҳамат қилиб, ҳисоб бўлимига ўтинг.

Сотувчи наъматак дамласидан қандай фойдаланишни тушунтиради.

Иккинчи бемор (бола кўтарган аёл):

Менинг боламнинг қорни оғрияпти. Қандай шарбатдан берсам бўлади?

Сотувчи: Бизда жийда дамламаси бор, жийданинг меваси ҳам бор. Қайси бирдан берай?

Иккинчи бемор: Жийда дамласидан бир стакан, мевасидан бир кило берсангаз.

Сотувчи: Марҳамат, жийда дамламаси ... сўм, меваси эса ... сўм. Ҳаммаси бўлиб ... сўм тўлайсиз.

Иккинчи бемор: Жийдадан қандай қилиб дахлама тайёрланади?

Сотувчи дахлама тайёрлашни тушунтиради.

Барча болалар: «Шифобахш ўсимликлар дорихонаси»га марҳамат қилинг. Дорихона манзили — ...

Тарбиячи: Энди эса турпдан салат тайёрлаймиз.

Тарбиячи болаларга кўрсатиб беради, болалар давом эттиришади.

Тарбиячи: Мана, болалар, биз сизлар билан шифобахш ўсимликларни янада яхшироқ ўрганиб олдик. Кейинги машғулотларимизда бошқа ўсимликлар, гуллар, мевалар билан танишамиз, Ибн Сино бобомиз туғилган Бухоро шаҳрига саёҳат қиламиз.

Машғулотлар қизиқарли ва жонли ўтиши учун тарбиячи бор билимини, тажрибаси ва маҳоратини ишга солиши лозим. Болаларга ҳар бир нарсани соддалик билан тушунтириб, кўрсатаб, ўргата олса, улар табиатга янада яқинлашадилар. Ҳар бир ўсимликнинг ўзига хослиги боланинг илмга бўлган қизиқишини орттиради. Табиатга тўғри муносабатда бўлиш омиллари шаклланади. Ўзи ҳам она табиатнинг бир бўлаги эканлигини ҳис этади ва унга нисбатан масъулият ҳисси ортиб боради. Бизнинг вазифамиз эса шу туйғуни ҳар бир бола қалбида уйғотишдир.

“Биз бахтли ва бахтиёр болалармиз” мусиқали кўнгил очиш тадбири.

Болалар байрамона безатилган залга мусиқа садолари остида кириб келадилар ва ярим доира бўлиб турадилар.

Бир бола : (Кириб келиб сўрайди). Ие, бу ерда нима бўлаяпти?

Бир қиз: Ие, сен ҳали эшитмадингми, бугун боғчамизга вилоятимизнинг барча боғчаларидан меҳмонлар келишган. Биз шу меҳмонлар учун боғчамизда ташкил этилган “Ширинтой” дастаси тайёрлаган дастурни ҳавола этмоқчимиз.

Табрик: Ассалому алайкум, азиз меҳмонлар! Боғчамизга хуш келибсиз. Сизларга атаб “Ширинтой” дастаси тайёрлаган концерт дастурини ҳавола этамиз. Марҳамат томоша қилинг.

Шеър:
 Ватан менинг онамсан,
 Иссиқ кучоғинг.
 Олмада яғонамсан,
 Азиз тупроғинг.
 Келажагинг буюқдир,
 Яшна доимо.
 Ватаним сени бугун,
 Таниди дунё.

Бир бола: Я живу в Узбекистане
 Я люблю свой край родной.
 Он хорош зимой и летом,
 Но особенно весной.

Бир қиз: Good morning, Good morning

Good morning to you
 Good morning our teacher
 I am glad to see you.

Шу пайт саҳнага ёқимли куй таралиб қуёшой кириб келади.

Болалар: Болалар юзларини тўсиб ие иссиқ бўлиб кетди-ку, ким у кириб келган? Ҳамма болалар бараварига : Ие, бу қуёшой-ку. Болалар қувнаб қуёшой билан бирга “Қуёш” кўшиғини ижро этишади.

Кўшиқ: Қуёш, қуёш, қуёшжон
 Чарақлайсан ҳар қачон
 Мовий кўкда ярақлаб
 Юлдуз каби чарақлаб
 Қуёш бунча қувноқсан
 Дўстлар каби иноқсан
 Кел кўлингин бер қуёш
 Бизлар билан кул қуёш

Қуёш: Болажонлар мен ҳар куни сизларни соғлом, бақувват, эпчил ўссин деб эрта тонгдан ўз нурумни сочаман, мен сизларни жуда яхши кўраман. Болалар мен кўпроқ қайси фаслда ўз нурумни кўпроқ сочаман.

Болалар жавоби: Ёз фаслида.

Қуёш: Жуда тўғри.

Бир бола: Қуёшой сени кўриб, нурунгдан баҳри олиб янада қувониб рақс тушиб бермоқчимиз.

Рақс: Мамочка.

Қуёш: Раҳмат болалар. Мазза қилиб рақс томоша қилдим.

Шеър: Она ватан гўзал диёрим

Боғларингда яшнар баҳорим
 Кундузлари ёнар қуёшим
 Жаннат юртим Ўзбекистоним

Кўшиқ: Солнышко
 Выглянуло солнышко блещет на лугу
 Я навстречу солнышку по траве бегу
 И ромашки белые рву я на лету
 Я веночек сделаю солнышко в плету

Куёш: Болалар сизларни кўриб менинг ҳам хавасим келиб кетди. Сизлар билан ўйин ўйнагим келди. Келинлар бир ўйин ўйнаймиз.

Муסיқачи беш хил муסיқа чалади, болалар топишади.

Куёш: Сизлар жуда ҳам топқир болалар экансизлар. Ёмғир ҳақидаги кўшиқни ҳам тўғри топдингиз.

Болалар: Бизлар ёмғирой ҳақида рақс ҳам биламиз. Ҳозир сизга рақс тушиб берамиз.

Рақс: Ёмғирой.

Шеър: Дождик дождик кап да кап

Мокрые дорожки

Нам нельзя идти гулять

Мы промочим ножки

Бир бола: Куёшой бизнинг боғчамиз болалари нуригдан чиниқиб ҳар куни эрталаб бадан тарбия машқларини бажаради. Ҳозир сенга ўз машқларимизни кўрсатамиз.

Куёш: Болаларни олқишлайди.

Рақс: Раталла.

Куёш: Мен табиатни яшнатиш учун бор нуриمني бераман, таратаман нурларимдан гуллар очилади. Ҳаммаёқ чаманзор бўлади, лекин мен гулларни кўрмайман, қани-қани мени жажжи гулларим.

Лапар: “Чаманда гул”, “Лолача”.

Куёш: Раҳмат гулларим мени хурсанд қилдингиз. Болалар мен сизларни санъатни севишингизни, қувноқлигингизни кўрдим, энди эпчич, чаққонлигингизни билмоқчиман.

Ҳаракатли ўйин: Тайёр бўлақлардан куёшни йиғиб бериш. Машқни муסיқа садолари остида иккита иштирокчи бажаради.

Куёш: Мен сизнинг эпчиллигингизга ҳам ишонч ҳосил қилдим. Энди мени сизлар билан хайрлашиш фурсати келди. Мен бошқа ерларга ҳам ўз нуриمني таратмоғим даркор. Бу пайтда сизлар уйкуда бўласизлар. Ҳамиша менинг нуриمدан баҳра олиб соғлом, бақувват бўлиб юринлар.

Куёш болалар билан бирга “Куёшжон-куёшжон” кўшиғини куйлаб чиқиб кетади. Болалар куёш билан хайрлашиб қолишади ва сайрга куёш нуридан баҳра олгани чиқиб кетишади.

5. “Олтин тож” ўйини.

Мақсад: Боланинг мустақил саволларга ҳозиржавоб бўлишга, эпчил ва чакқон бўлишига, ҳар бир берилдган шартларни аниқ ва бурро қилиб нутқини равон сўзлай олишига, ақлий ва жэйсмоний ривожлантириб бориш. Ўйин орқали жисмонан эпчил ва бақувват қилиб тарбиялаш.

Керакли жиҳозлар: Кубиклар, сеҳрли дарахт ва унга осилган кўргазма, бола сонига етарли шарлар, шошқол ўйинчоқлари, саватчалар, саккизлик ўйин вазиятидан чиқиш учун ўйин мосламаси ваолтин тож.

Олтин тож:

Ассалому алайкум тарбиячи опалар, бугунги олтин тож ўйини иштирокчиларини таништираман. Бунда “Олтин тож” ўйнида 10 нафар бола иштирок этади., уларнинг исми-шарифи ва отасининг исмини таништириш билан ўйин бошланади. “Бахтли болалаик” кўшиғини жўр бўлиб ижро этиш.

1-ўйин:

10 та иштирокчи квадратлар асосида машина ясаб бериши керак бўлади. Бу ўйинларда ким шартни охири бажарса ўша иштирокчи ўйинни тарк этади ва мусобақа давом эттирилади. Кейинги ўйинимизни ўйнаш учун турли йўллар босиб боришимиз керак.

2-ўйин:

Ўйинда 9 нафар бола иштирок этади. “Сўз ўйини”. Бунда ажойиб дарахтда сонлар бор, сонлар орқасида расм ёпиштирилган, сонлардан хоҳлаганнини айтади ва уни олиб тезликда орқасидаги расмни айтишади. Ўша расм орқали 6 сон, “капалак” “К” ҳарфидан бошланадиган сўзлар айтишуви бошланади. Ўйинда тўхтаб қолган иштирокчи уни тарк этади. Кейинги ўйинимизни ўйнаш учун йўллар босиб ўтишимиз керак.

3-ўйин:

Ўйинимизда 8 нафар бола иштирок этади, “Шар ёриш”. Бунда болалар шарни пуфлаб шишира бошлашади, ким ёра олмаса ўйиндан чиқиб кетади. Кейинги ўйинимизни ўйнаш учун йўллар босиб ўтишимиз керак.

4-ўйин:

7 нафар бола қатнашади. “Шошқол” ўйинида ҳар бир болага биттадан шошқол берилади. Ўйини шартни эса шошқолларни тез жойлаштириб боришдан иборат. Орқада қолган иштирокчи ўйиндан чиқиб кетади.

Кейинги ўйинимизда иштирок этишимиз учун тўсиқлардан ўтиб боришимиз керак.

5-ўйин:

6 нафар бола иштирок этади. “Қорбобо” шаклини яшаш. Бунда стол устидаги шакллардан фойдаланиб қорбобо яшаш талаб этилади. Энг охири қорбобо ясаган ўйинчи кейинги мусобақаларда қатнашмайди.

Кейинги ўйинимизни ўйнаш учун йўллар босиб ўтишимиз керак.

6-ўйин:

5 нафар бола кўзлар боғланган ҳолда саватчага кўп кубик тўплашга ҳаракат қилишади. Ўйин охирида саватчалардаги кубиклар саналади ва оз кубик тўплаган бола ўйиндан чиқиб кетади.

Кейинги ўйинни ўйнаш учун йўллар босиб ўтишимиз керак.

7-ўйин:

4 та бола иштирок этади. “Саккиз ўйини”. Бунда саккиз сонининг жойларини ўзгартириб, яна бирдан саккизгача тартиб билан териб бориш керак. Ўйинда ҳаммадан охирида қолган иштирокчи уни тарк этади.

Кейинги ўйинни ўйнаў учун кетдик.

8-ўйин:

3 нафар бола қатнашади. “Ким чаққон” ўйини. Ўртага иккита стул қўйилади ва бу стуллар атрофида қатнашчилар мусиқа садолари остида айлана бошлашади. Мусиқа тўхташи билан жойларга ўтириш керак, стул етмаган бола ўйиндан чиқиб кетади.

Кейинги ўйинни ўйнаш учун кетдик.

9-ўйин:

2 нафар бола иштирок этади. “Вазиятдан чиқиш” ўйини. Турли йўллар бўлади, бу йўллар орқали тошларимиз жойларига жойлаб қўйилади. Ким орқада қолса, ўйиндан чиқиб кетади.

10-ўйин:

1 та бола иштирок этади. Савол-жавоб ўтказилади. Охирги иштирокчига 5 та савол берилади. Саволларга тўғри жавоб берган бола “Олтин тож” соҳиби бўлади. Қуйидаги саволлар берилади:

1. Сиз қайси фаслни яхши кўрасиз?
2. Қиш фаслида қандай байрам бўлади?
3. Янги йил байрамида кимлар меҳмон бўлиб келади?
4. Қиш фаслида қандай паррандалар Ўзбекисонда қишлаб қолади?
5. Сиз қайси товушларни яхши кўрасиз

Саволларга жавоб бериб бўлгач, унга “Олтин тож” кийдирилади ва у ўз тилакларини билдиради.

6. “Олам болалар тасаввурда” тренинги.

Мақсад: Болаларда олам ҳақида тасаввурларини кенгайтириш, табиат қонунларини, ундаги ўзгаришлар, гўзалликларни ҳис этиш ва буни кўра билишга ўргатиш. Болаларда ижодкорлик қобилиятларини мустаҳкамлаш. Нафосат билан яшашга ўргатиш.

Керакли жиҳоз: Қоғоз, ҳар бир стол учун намуна.

Ўргатиш усули: Сухбат, кўрсатиш, тушунтириш.

Тренингнинг бориши: Олам ҳақида тарбиячи шеър ўқийди.

Оламни асранг дўстлар

Одамни асранг дўстлар

Она тилидан тушмас

Боламни асранг дўстлар

Сўнгра болаларни “Ўзбекистон табиати” деб номланган расмлар галериасига таклиф этаман.

Тарбиячи: Болалар, сиз альбом ва суратларнинг рангли суратларда намунасини кўраяпсиз.

Болалар жавоби: Уй ҳайвонлари, ёввойи ҳайвонлар, табиат манзаралари, гуллар, хашоратлар, қушлар...

Тарбиячи: Булар ҳаммаси мужассамлашиб, нима дейилади?

Болалар жавоби: Табиат, Ўзбекистон табиати.

Тарбиячи: Болалар мен сизларга топишмоқлар айтаман. Сизлар эса топишга ҳаракат қилинг.

Зув-зув борагай, томда қарагай,

Чўп, лой чўкигай, сават тўкигай. (Қалдирғоч)

Бир қушим бор, паланги,

Чорбоғда чалар чанги. (Бойўғли)

Соат эмас чиқ-чиқ дер

Менга кўпроқ дон-дун бер. (Чумчук)

Тарбиячи: Болалар қишда қишлаб қолувчи қушлардан қайси бирини биласиз?

Болалар жавоби: Чумчук, қарға, майна, мусича, кабутар.

Тарбиячи: Келинлар, бугун сизлар билан “Чумчукча” ясаймиз. Тарбиячи болаларни қоғоздан чумчуқ яшашга таклиф этади. Тарбиячи болалар ишини кузатиб боради. Мусиқа садоси остида болалар вазифани бажаришга киришишади. Тарбиячи яшашга қийналаётган болаларни яқка тартибда яшашга ўргатиб боради.

Тарбиячи: Қушларнинг табиатимизга жуда катта фойдаси бор. Биз уларни асраб-авайлашимиз ва парвариш қилишимиз керак. Қуулар ўсимлик душмани бўлган хашоратларни еб фойда келтирадилар.

Тарбиячи: Қушлар ҳақида шеър биласизми?

1-бола: Тумшукларинг пилладай

Момик паринг тилладай.

Тўхта сени бир кўрай,

Беозор каклигим.

2-бола: Қалдирғоч, қалдирғоч

Эшигингни оч-оч.

Эшигингни очмасанг

Туйнугингдан кираман.

3-бола: Оқ каптарим чиройли,

Кўк каптарим чиройли,

Тинчлик куши дейдиган

Дил гапларим чиройли.

Тарбиячи: Машғулот давомида болалар ишини рағбатлантириб боради. Ҳар бир боланининг ишини кўргазма доскасига қўйиб борилади. Тарбиячи машғулот якунлангач, болаларни сайрга “автомобил ва қушлар” ўйинини ўйнашга таклиф этади.

7. “Билимлар қасрига сайёҳат” тренинги.

Мақсад: Болалар нутқини ўстириш. Ватанга муҳаббат ҳиссини тарбиялаш, фасллар ҳақидаги тушунчаларни мустаҳкамлаш, сўз бойлигини ўстириш, математик билимларни фаоллаштириш, мантиқий тафаккурни ўстириш, маънавий камолатни таъминлаш, жисмоний ва мусиқий фаолиятни ривожлантириш.

Керакли жиҳозлар: байроқ, герб, Ўзбекистон тасвирланган расмлар, фасллар тасвири, ҳар бир бекат учун керакли жиҳозлар, ва ўйин учун сирли сандиқча.

Машғулотнинг бориши:

1-бола хонага кириб келади ва сўз бошлайди:

Ассалому алайкум ҳурматли “Давр боласи” кўрсатувимиз мухлислари. Кўрсатувимиз яна сизлар билан. Бугунги кўрсатувимизни наманган вилояти, Поп тумани Санг қишлоғида жойлашган ХТВга қарашли “Марварид” номли болалар боғчасидан олиб бормоқдамиз. Навбатни ёш мухбиримиздан Мухлисахонга берамиз. Марҳамат, Мухлисахон.

2-бола. Ассалому алайкум кўрсатувимиз мухлислари. Бугун биз гўзал болалар боғчаси “Марварид” номли болалар боғчасидан олиб бормоқдамиз. Бугун бу боғчада ҳамма хурсанд ва қувноқ. Чунки бу ерда тантана бўлмоқда. Бу боғчага узоқ шаҳар ва қишлоқлардан кўпгина меҳмонлар ташриф буюришган. Буларни кўрсатув давомида томоша қилиб борамиз. Ҳозирги навбатни “Қалдирғоч” гуруҳи болалари ва устозларига берамиз. Марҳамат.

Хонага гуруҳ болалари мусиқа садоси остида кириб келадилар.

Ҳар доим бўлсин осмон,

Ҳар доим бўлсин қуёш,

Ҳар доим бўлсин онам,

Ҳар доим бўлай мен.

Тарбиячи: Болажонлар, яхши дам олиб келдингизларми?

Болалар: Ҳа, албатта.

Тарбиячи: Болажонлар, қаранглар, бугун гуруҳимизга кўпгина меҳмонлар келишибди. Уларга нима деймиз.

Болалар: Ассалому алайкум, хуш келибсиз!

Тарбиячи: Болажонлар, ҳозир ўлкамизда қанақа фасл?

Болалар: Баҳор фасли.

Тарбиячи: Биз қаерда яшаймиз?

Болалар: Мустақил Ўзбекистонда.

Тарбиячи: Болажонлар, мадҳияни ким ёзган?

Болалар: А.Орипов шеъри, М.Бурхонов мусиқаси.

Болалар мадҳияни ижро этадилар.

Тарбиячи: Яхши болалар, мадҳиямизни ижро этаётганингизда сизларнинг кўнглингиздан нималар кечади.

Мадҳиямизни ижро этган болалар ички кечинмаларини сўзлаб берадилар.

Тарбиячи:

Ўзбекистон нурли бўстон,

Номинг сени тилда дoston,

Жаҳон ичра яғонасан

Халқинг улуғ, мардонасан.

Тарбиячи:

Ватан дегани нима ўзи?

1-бола: Ватан- бу менинг онам.

2-бола: Ватан-бу менинг уйим.

3-бола: Ватан- бу менинг маҳаллам.

4-бола: Ватан-бу менинг боғчам.

5-бола: Ватан-бу менинг шаҳрим.

Тарбиячи: Раҳмат, болажонлар. Гуруҳ хонасига кимдир хат ташлаб кетибди. Ассалому алайкум ҳурматли Наманган вилояти, Поп тумани, Санг қишлоғида жойлашган “Марварид” номли болалар боғчасининг “Қалдирғоч” гуруҳи болалари. Билимингизни синаш мақсадида сизларни “Билимлар қасри”га таклиф этамиз. Топшириқларни бажара олсаларингиз, қайси гуруҳ болалари ғолиб чикса, биринчи бўлиб “Билимлар қасри”га киради. Сизларга омад тилаб қолувчи ўрмон ҳайвонлари.

Болажонлар аввал икки гуруҳга бўлиниб оламиз.

Болалар гуруҳларга бўлиниб оладилар.

Тарбиячи:

Болалар гуруҳга ном кўйинлар ва сардор сайлаб олинглар.

1-гуруҳ: “Қалдирғоч”

2-гуруҳ: “Лочин”

Болалар гуруҳга бўлинадилар.

Сардорлар: 1-гуруҳга Жасур

2-гуруҳга Умиджон

Қани болажонлар кетдик.

Болалар мусиқа садолари остида йўлга чиқадилар.

Тарбиячи: Болажонлар, 1-бекатга етиб келибмиз.

1-бекат Ўзбекистон бекати

1. Ўзбекистон қандай давлат?
2. Ўзбекистонни ким бошқаради?
3. Мадҳияни ким ёзган?
4. Ким куй басталаган?
5. Давлатимиз рамзларини биласизми?
6. Байроқ ҳақида шеър айтинг.
7. Байроқнинг ранги ҳақида шеър айтинг.
8. Конституция қачон қабул қилинган?
9. Ўзбекистоннинг миллий бойлиги нима?
10. Ўзбекистон қандай бойликларга эга?

2-бекат. Нутқ ўстириш бекати.

1. Сиз қайси қишлоқда яшайсиз?
2. “Олтин тарвуз” эртагидаги ёвуз қахрамон?
3. Қайси эртақда суяк сувга тушиб кетади?
4. “Шолғом” қайси халқ эртаги?
5. “Оз-оз ўрганиб доно бўлур,.....”
6. “Меҳнатдан келсча бойлик.....”
7. Бир парча патир, оламга татир?
8. Бир ўрада, қирқ ўра?
9. Буюк сиймоларни санаб беринг?
10. Буюк саркардаларни санаб беринг?

3-бекат:

1. Ҳафта кунларини санаб беринг?
2. Йил фаслларини айтинг?
3. Ҳозир қандай фасл?
4. 1дан 10гача тўғри ва тескари санаб беринг?
5. 1дан 20гача тўғри ва тескари санаб беринг.
6. Геометрик шаклларни сананг.
7. 10 та қушдан 3таси учиб кетди, нечта қуш қолди?
8. Менда 15 та олма бор эди, ундан 5тасини болаларга бериб юбордим, нечта олма қолди?
9. Қайси шаклнинг бурчаги йўқ?
10. Учбурчакнинг нечта бурчаги бор?

4-бекат:

Тарихий фаолият, мусиқа ва спорт бекати.

1. Расм машғулотида биз нима билан шуғулланамиз?
2. Лойдан нималар ясаймиз?
3. Рангли чўплардан қайси гуруҳ 1-бўлиб уй шаклини яшаш.
4. Тортишмачоқ ўйини.
5. Ким кўп копток териш.
6. Ноталар нечта?
7. Ўзбек миллий мусиқа асбобларини сананг?
8. “Бувижоним” кўшиғини ижро этинг.
9. Куй чалинади “Дилхирож”.
10. Куй чалинади “Наманганнинг олмаси”

Ҳамма болалар биргаликда “Сирли сандиқ” ўйинини ўйнайдилар.

Сардорлар мусобақаси.

Ким кўп шеър айтиш.

Қайси гуруҳ болалари ғолиб чиқса, биринчи бўлиб “Билимлар қасри”га йўл олади.

Машғулот якунида Юлдуз Усмонованинг “Ҳеч кимга бермаймиз сени Ўзбекистон!” кўшиғи ижро этилади.

Болалар хайрлашиб “**Билимлар қасри**” га йўл оладилар.

2.2. Технологик ёндашув асосида мактабгача таълим муассасаларида тарбиявий ишларни ташкил этиш самарадорлиги

Тадқиқот ишининг олдинги саҳифаларида таъкидланганидек, тарбиявий тадбирлар технологияси таркибий қисмини тарбия жараёнидаги тарбиявий фаолият самарадорлигини таъминлашга хизмат қилувчи лойиҳаси яратилиши, мазмунининг пухта асосланиши, шунингдек, лойиҳа талабларига қатъий амал қилиш борасидаги тарбиявий ёндашув ташкил этади. Муайян тарбия тури билан боғлиқликда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ бўлган фаолият мазмуни, унинг ўзига хос хусусияти, фаолиятни ташкил этишдан кўзланган мақсад, ижобий ҳал этилиши талаб этиладиган педагогик вазифалар, шакл, метод ҳамда усуллар, уларнинг бирлиги ва аҳамиятини ифодаловчи ғоялар ўрин олади. Тарбия жараёнининг олдиндан лойиҳаланиши мавжуд имкониятларни аввалдан кўра олиш, дуч келиши мумкин бўлган тўсиқларни бартараф этиш йўлида тезкор чора-тадбирларни белгилаш, умумий мақсадга йўналтирилган хатти-ҳаракатларни тизимли ташкил этиш имконини беради.

Таҷриба-синов ишларини амалга оширишда юқорида билдирилган фикрларни мазкур жараёнга татбиқ этишга ҳаракат қилдик. Мактабгача таълим муассасаларида тарбиявий тадбирларни ташкил этишда технологик ёндашувни татбиқ этиш муаммосини тадқиқ этиш жараёнида ташкил этилган таҷриба-синов ишларининг умумий даври, унинг ўзига хос жиҳатлари, босқичлари моҳиятини акс эттирувчи ишчи дастур ана шу ҳаракат самараси сифатида яратилди. Унинг мазмуни мактабгача таълим муассасаларида технологик ёндашув асосида тарбиявий тадбирларни ўтказишга хизмат қиладиган

тажриба-синов ишларини ташкил этишдан кўзланган мақсад, ижобий ҳал этилиши зарур бўлган вазифалар, тажриба-синов ишларининг ташкилий босқичлари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, тажриба-синов ишларининг муваффақиятини таъминловчи методлар, объектив ва субъектив омиллардан иборат бўлди. Қуйида ушбу дастур устида тўхталамиз.

Мактабгача таълим муассасаларида тарбиявий тадбирларни технологик ёндашув асосида амалга оширишга йўналтирилган тажриба-синов ишларини ташкил этишдан кўзланган мақсад – ушбу таълим муассасаларида технологик ёндашув имкониятлардан фойдаланиш даражасини аниқлаш, бу борадаги муваффақиятни таъминлаш имконини берувчи андозани яратиш ва уни синов жараёнида текширишдан иборат бўлди. Тажриба-синов ишларининг муваффақиятни таъминлаш учун қуйидаги педагогик вазифаларни ҳал қилиш лозим бўлди:

1. Мактабгача таълим муассасаларида тарбиявий тадбирларни технологик ёндашув асосида ташкил этиш имконини берадиган шарт-шароитларни ўрганиш ва омилларни аниқдаш.

2. Мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиларининг технологик ёндашув моҳиятини тўлақонли англашлари учун муайян шарт-шароитларни яратиш.

3. Мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиларида технологик ёндашув ва унинг моҳияти борасидаги кўникма ва малакаларни ҳосил қилишга эришиш.

3. Мактабгача таълим муассасаларида технологик ёндашувга асосланган тарбиявий тадбирларни ташкил этиш бўйича намуналарни намуналарни тайёрлаш.

4. Мактабгача таълим муассасаларида технологик ёндашувга асосланган тарбиявий тадбирларни ташкил этишга доир тажриба-синов ишлари натижаларини таҳлил этиш, умумлаштириш.

Тадқиқот юзасидан амалга оширилган тажриба-синов ишлари қуйидаги босқичларда олиб борилди:

1. Тажриба-синов ишларини ташкил этишнинг дастлабки ташкилий-тайёргарлик босқичида мактабгача таълим муассасаларида технологик ёндашувга асосланган тарбиявий тадбирларни ташкил этишга хизмат қиладиган назарий-амалий ишлар режаси ишлаб чиқилди.

2. Тадқиқот натижаларининг самарадорлигини аниқлашга қаратилган тажриба-синов ишлари тажриба майдонлари сифатида танлаб олинган мактабгача таълим муассасалари жамоасини хабардор этиш босқичида тажриба-синов ишларига жалб этилган МТМ жамоаси билан учрашув ташкил этилди. Тажриба-синов ишларининг моҳияти хусусида уларга маълумотлар берилди, жамоанинг бу борадаги фикри тингланди. Шунингдек, тажриба-синов ишларининг муваффақиятини таъминловчи техник масалалар юзасидан фикр алмашилди, жамоа томонидан илгари сурилган таклифлар ўрганилди.

3. Мактабгача таълим муассасаларида технологик ёндашувга асосланган тарбиявий тадбирларни ташкил этишга хизмат қиладиган методикани синовдан ўтказиш босқичида МТМ тарбия жараёнида махсус методика ва унда илгари сурилган ғоялар синовдан ўтказилди.

4. Тажриба-синов ишларининг натижаларини таҳлил этиш босқичи. Тажриба-синов ишларининг натижаларини умумлаштириш, тажриба-синов ишларининг аввали ҳамда якунида қўлга киритилган натижаларни ўзаро таққослаш, якуний далиллар билан бойитилган хулосаларни муҳокама қилиш ва оммалаштириш амалга оширилди.

Мактабгача таълим муассасаларида технологик ёндашувга асосланган тарбиявий тадбирларни ташкил этишга йўналтирилган тадқиқотнинг таркибий қисми – тажриба-синов ишларини самарали ташкил этишга қуйидаги тамойилларга таянилади:

1. Тарбия жараёни субъектлари (тарбиячи ва тарбияланувчи) иштирокининг ихтиёрийлиги.

2. Субъектлар фаолиятини ташкил этишга нисбатан яхлит, технологик ёндашув.

3. Тарбиявий фаолиятнинг тизимли, изчил ва узвийлиги, шунингдек, аниқ мақсадга йўналтирилганлиги.

4. Тарбиявий фаолиятни ташкил этишда хорижий ва маҳаллий тажрибаларга таяниш.

5. Тарбия жараён субъектлари имкониятларини инобатга олиш ва ҳоказолар.

Мактабгача таълим муассасаларида технологик ёндашувга асосланган тарбиявий тадбирларни ташкил этиш борасидаги тажриба-синов ишлари қуйидаги метод ва шакллар асосида олиб борилди:

1. Педагогик кузатув методи. Ушбу метод Мактабгача таълим муассасаларида технологик ёндашувга асосланган тарбиявий тадбирларни ташкил этишга қай даражада эришилганлигини кўрсатувчи ҳолат аниқланиб, тажриба-синов ишларининг аввали ҳамда якунидаги кўрсаткичлар ўртасидаги фарқни аниқлашга ёрдам беради.

2. Анкеталаштириш методи. Мазкур метод ҳам педагогик йўналишда олиб борилаётган тадқиқот ишида муҳим ўрин тутаети. Ушбу метод асосида педагогик кузатув жараёнида тўпланган маълумотлар бойитилади, чунончи, мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларининг технологик ёндашувдан хабардорликлари, ўз фаолиятларини ташкил этишга нисбатан технологик ёндашув лаёқати, ижодий қобилиятга эгаликлари, ўз устиларида доимий изланишлари ҳақидаги маълумотлар, шунингдек, тарбиявий фаолиятни технологиялаштириш самарадорлигини таъминлашга ёрдам берадиган омиллар, тарбиявий муассасаси ҳамда ўқитувчининг бу йўлдаги имкониятлари тўғрисидаги далиллар шулар жумласидандир.

3. Суҳбат методи. Мазкур метод юқорида кўрсатиб ўтилган маълумотларни янада бойитиш, мавжуд ҳолатни тўғри баҳолаш, мактабгача таълим муассасаларида технологик ёндашувга асосланган тарбиявий тадбирларни ташкил этиш соҳасида зарур бўлган педагогик шарт-шароитларни яратиш, вужудга келган вазиятни тўғри баҳолаш, педагогик жамоа имкониятларини ўрганишга маълум миқдорда эришдик.

4. Интервью методи. Мазкур методдан ҳам биз тажриба-синов ишлари жараёнида самарали фойдаланишга муваффақ бўлдик. Интервьюнинг афзаллиги аниқ, маълум воқелик ёки ҳодиса моҳиятининг тўлақонли ёритилишини таъминловчи саволлардан иборат бўлишидадир. Маълумки, интервью муайян фаолият ёки хатти-ҳаракатга нисбатан субъект муносабатини билиш мақсадида ташкил этилади. Бу ўринда биз мактабгача таълим муассасаларида технологик ёндашувга асосланган тарбиявий тадбирларни ташкил этиш йўналтирилган тадқиқот натижаларининг самарадорлигини таъминлашга хизмат қилувчи методика таркибидан ўрин олган тадбирларнинг мақсадга мувофиқлиги ва афзаллиги, шунингдек, ушбу таълим муассасалари тарбиячилари учун фойдалилик даражасини аниқлаш мақсадида ташкил этилди. Интервью методидан тажриба-синов ишлари якунида фойдаланилди.

5. Педагогик эксперимент методи. Педагогик эксперимент методидан мазкур ўринда Мактабгача таълим муассасаларида технологик ёндашувга асосланган тарбиявий тадбирларни ташкил этиш имкониятини ўрганиш, кўзланган мақсадга эришиш учун мавжуд шарт-шароитларнинг талабга жавоб бериш даражасини аниқлаш, илгари сурилаётган ғояларнинг амалиётдаги самарадорлигини аниқлаш мақсадида фойдаланилди.

Тажриба-синов ишлари якунида мазкур хулосанинг ҳаққонийлигини текшириш мақсадида дастлабки таъкидловчи тажриба жараёнида ўқитувчиларга тақдим этилган сўровнома қайтадан тарқатилди. Таъкидловчи тажриба-синов ишлари жараёни натижалари респондентлар иштирокида ўтказилган сўровнома ҳамда суҳбатлар махсус дастур асосида унинг самарали яқунланганлиги ҳақида хулоса чиқаришимизга имкон берди.

Асословчи ва таъкидловчи тажриба-синов ишлари натижаларининг қиёсий таҳлили шуни кўрсатдики, мазкур жараёнда тарбиячиларнинг технологик ёндашувнинг моҳияти борасидаги назарий билимлари ўртасида кескин фарқ юзага келган. Мактабгача таълим муассасаларида технологик ёндашувга асосланган тарбиявий тадбирларни ташкил этишга қаратилган тадқиқот давомида ўтказилган тажриба-синов ишларининг аввали ҳамда якунидаги мавжуд ҳолати ҳам тубдан ўзгарган. Мазкур фикримизни тарбиячиларнинг сўровномага берган жавоблари асосида далиллаш имкониятига эга бўлдик.

2.2.1- жадвал.

**Тажриба-синов ишларининг сўнги босқичида
тарбиячиларнинг тарбиявий тадбирларни технологик ёндашув асосида ташкил
этишга муносабатлари (% ҳисобида)**

Саволлар мазмуни	Тажриба гуруҳи n ₁ =50		Назорат гуруҳи n ₂ =50	
	ижобий	салбий	ижобий	салбий
Тарбия жараёнини технологиялаштириш ижтимоий зарурияти	95	5	80	20
Тарбиячиларнинг технологик ёндашув моҳиятидан хабардорликлари	100	0	70	30
Технологик ёндашувга асосланишга имкон берадиган манбаларнинг мавжудлиги	60	40	58	42
МТМ маъмурияти томонидан тарбиявий тадбирларни технологик ёндашувга асосланиб ташкил этишга эътибор қаратилаётганлиги	80	20	60	40
Таълим муассасасида мазкур соҳада муайян шарт-шароитларнинг мавжудлиги	70	30	56	44
Тарбияланувчиларнинг тарбиявий тадбирларни технологик ёндашув асосида ташкил этилишига муносабатлари	85	15	60	40
Тарбиявий фаолиятни технологик ёндашув асосида ташкил этаётган тарбиячиларнинг рағбатлантирилиши	78	22	54	46
Мавжуд тажрибаларни оммалаштирилиши	70	30	56	44
Тарбиявий тадбирларни технологик ёндашув асосида ташкил этилиши ҳолати	90	10	65	35

2.2.1-жадвал натижаларидан кўринадики, мактабгача таълим муассасаларида технологик ёндашувга асосланган тарбиявий тадбирларни ташкил этишнинг мавжуд ҳолати юзасидан тарбиячилар қуйидаги фикр-мулоҳазаларни баён қилдилар: мактабгача

таълим муассасаларида технологик ёндашувга асосланган тарбиявий тадбирларни ташкил этиш зарурияти мавжуд. Бу юксак маънавиятли шахсни шакллантириш эҳтиёжи билан боғлиқдир. Мактабгача таълим муассасаларида тарбиявий иш самарадорлигини ошириш, сифатини таъминлаш, тарбиячилар томонидан ўзлаштирилаётган билим, кўникма ва одатни мустаҳкамлаш соҳасидаги ижтимоий буюртмани бажариш зарурияти мавжудлигини тажриба гуруҳининг 95 фоиз респонденти қайд этган бўлса, 5 фоиз респондент тарбия тизимида юзага келган салбий ҳолатларни бартараф этишга бўлган зарурият туфайли тарбия жараёнини технологиялаштиришга нисбатан эҳтиёж вужудга келганлигини қайд этади.

Сўровнома таркибидан ўрин олган биринчи саволга назорат гуруҳининг респондентларидан 80 фоизи ижобий, 20 фоизи эса салбий жавоб қайтарганлар. Салбий мазмундаги жавобларда тарбия жараёнига технологик ёндашувнинг татбиқ этилиши ҳануз ижобий натижалар бермаганлигини таъкидлаб ўтадилар.

“Технологик ёндашув моҳиятидан хабардормисиз?” деган саволга жавоб қайтарар эканлар, тажриба гуруҳининг 100 фоиз, назорат гуруҳининг 70 фоиз хабардор эканликлари маълум бўлди. Назорат гуруҳининг 30 фоиз респондентлари эса технологик ёндашув тушунчасининг маъносини қисман бўлсада шарҳлай олсалар ҳам, ушбу ёндашув моҳиятидан деярли беҳабар эканликларини таъкидлаб ўтадилар. Шу билан бирга “бизнинг назаримизда, анъанавий таълим мазмунининг сақлаб қолиниши кўпроқ фойда келтирган бўлар эди”, деган мулоҳазаларни ҳам илгари суришган.

Навбатдаги савол юзасидан респондентларнинг 60/58 фоизи ижобий, 40/42 фоизи салбий жавоб қайтарганлар. Ижобий жавобларда айтилган вақтда технологик ёндашувга асосланишга имкон берадиган адабиётлар сон жиҳатидан кўпайиб бораётганлигини, уларда берилаётган маълумотлар мавжуд эҳтиёжни қондириш даражасида эканлигини баён этиш билан бирга бу борада муайян қийинчиликлар ҳам борилигига урғу берадилар. Респондентларнинг фикрича, ушбу қийинчиликлар мавжуд адабиётларнинг салмоқли қисми рус тилида чоп этилганлиги, манбаларнинг ўта даражада илмийлигида намоён бўлади. Материал баёни услубининг соддалаштирилиши, кўпроқ амалий фаолиятни

ташкил этиш хусусида сўз юритилиши мақсадга мувофиқ эканлиги респондентларнинг жавобларида таъкидлаб ўтилган.

МТМ маъмурияти томонидан мазкур таълим муассасаларининг тарбиявий тадбирларни технологик ёндашувга асосланиб ташкил этишга эътиборнинг қаратилаётганлигига ўз муносабатларини билдирар эканлар респондентлар 80/60, 20/40 фоизи ижобий ва салбий жавоб қайтарганлар.

Таклиф этилаётган бешинчи савол бўйича тажриба-синов гуруҳининг 70/30 фоиз, назорат-синов гуруҳининг 56/44 фоизи ўзлари фаолият олиб бораётган тарбиявий тадбирларни технологик ёндашув асосида ташкил этилиши борасида муайян шарт-шароитлар мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида муносабат билдирадилар. Кузатилган 70/56 фоиз респондентнинг жавобларида таълим муассасасида тарбиявий тадбирларни технологик ёндашув асосида ташкил этилишига соҳасида олиб борилаётган амалий ҳаракатлар, тарбия жараёнида ахборот ҳамда техник воситалар хизматидан фойдаланаётганлик, таълим муассасаси кутубхонаси фондидан педагогик технология назарияси моҳиятини очиб берувчи адабиётлар кўпаяётганлиги, шунингдек, тарбиявий фаолиятни технологик ёндашув асосида ташкил этиш борасида тўпланган тажрибаларнинг оммалаштирилишига бўлган эътиборнинг кучайганлиги, тарбиявий тадбирларни технологик ёндашув асосида ташкил этиш учун имкон берадиган шарт-шароитларнинг яратилганлигини баён этганлар. 34/44 фоиз респондентлар юқоридаги фикрларни инкор этувчи, яъни, тарбиявий тадбирларни технологик ёндашув асосида ташкил этиш борасида мазкур тарбиявий юртида объектив ва субъектив шароитлар мавжуд эмаслиги кўрсатадилар.

Тарбияланувчиларнинг тарбиявий тадбирларни технологик ёндашув асосида ташкил этилишига муносабатларига баҳо берар эканлар, тасодифан танлаб олинган респондентларнинг 85/60 фоизи талабаларнинг бу борадаги муносабатларини ижобий, 15/40 фоизи салбий баҳоланганлар.

Саволнома таркибидан ўрин олган еттинчи саволга жавоб қайтарар эканлар, кузатилган респондентларнинг 78/54 фоизи ижобий, 22/46 фоизи салбий тарзда педагогика коллежлари раҳбарияти томонидан педагогик фаолиятни технологик ёндашув

асосида ташкил этаётган ўқитувчиларнинг фаолиятлари рағбатлантирилаётганлигига нисбатан муносабат билдирганлар.

Респондентларнинг кузатилган 70/56 ҳамда 30/44 фоизи ижобий ва салбий тарзда технологик ёндашув асосида тарбиявий фаолиятни ташкил этиш борасидаги тажрибаларининг оммалаштирилишини баҳолаганлар.

Юқорида билдирилган фикрлардан англанадики, респондентлар эътиборига ҳавола этилган саволларга улар томонидан тажриба сўнггида олинган жавоблар борасида сезиларли фарқлар мавжуд. Бундай фарқлар, айниқса, тажриба-синов гуруҳи респондентларинининг жавобларида янада яққолроқ кўринади. Чунончи, 1-2, 6- ҳамда 8- саволлар бўйича қайтарилган жавоблар ўртасида кескин фарқлар бор. Юзага келган ушбу фарқлар тажриба-синов гуруҳига жалб этилган респондентларнинг технологик ёндашув ва унинг моҳияти борасидаги билимлари даражаси ортганлигидан далолат беради.

Шундай қилиб, тажриба-синов ишларининг натижаларига кўра респондентлар технологик ёндашувнинг назарий-амалий асосларини пухта ўзлаштирганлик даражаси ҳаққонийлиги келиб чиқди.

Иккинчи боб бўйича хулосалар

1. Тарбиявий тадбирлар – турли хил моддий ва маънавий эҳтиёжларга жавоб берувчи, тарбиявий мақсадларининг ягона мажмуасига бўйсундирилган, бир-бири билан ўзаро ҳамкорлик қилувчи, ўзида бир-бутун таълимни кўзда тутувчи тарбиявий таъсир мажмуидир. Мактабгача таълим муассасалари тарбия иш йўналишининг асосини тарбиявий тадбирлар ташкил этади. Мазкур тарбиявий тадбирлар мақсадни ойдинлаштириш, лойиҳалаштириш, амалга ошириш, назорат ва таҳлил қилиш каби иш ҳаракатлари кетма-кетлигидан иборат куйидаги технологик чизмага асосланишни талаб этади.

2. Тарбиявий тадбирларни ташкил этишда тренинглари, мужассам машғулоти, ўйинлардан фойдаланиш тарбиявий ишни самарали ташкил этиш ва амалга оширишга имкон беради.

3. Педагогика фанида бугунги кунга қадар олиб борилган илмий изланишлар

доирасида мактабгача таълим муассасаларида тарбиявий тадбирларни ташкил этишда технологик ёндашув имкониятларидан фойдаланиш муаммосини тадқиқ этишга йўналтирилган тадқиқот ишлари амалга оширилмаганлиги аён бўлди. Шунингдек, педагогик технологияларнинг моҳияти ҳақида назарий маълумотлар беришга хизмат қиладиган илмий-методик манбалар мазмунида ҳам мактабгача таълим муассасаларида тарбиявий тадбирларни ташкил этишга соҳасидаги қарашлар баён этилмаган.

4. Тадқиқот доирасида олиб борилган тажриба-синов ишларининг самарали яқунланганлигини тажриба сўнгида олинган натижалар тасдиқлади.

УМУМИЙ ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

1. Технологик ёндашув глобаллашув шароитида мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари томонидан қисқа вақт оралиғида билим, кўникма ва одатларни ўзлаштириш имкониятини беради. Мазкур назария ғояларини мактабгача таълим муассасалари тарбия жараёнига татбиқ этиш долзарб вазифа ҳисобланади.

2. Мактабгача таълим муассасаларида тарбиявий ишларни ташкил этишга технологик ёндашувни татбиқ этиш борасида дастлабки тажрибалар тўпланган бўлса-да, улар уларнинг оммалашганлик даражаси талабларга тўлиқ жавоб бермайди.

3. Гарчи мактабгача таълим муассасалари тарбиявий фаолиятида технологик ёндашув асосида тарбиявий тадбирларни ташкил этишнинг шаклланганлигига тарихан узоқ вақт бўлмаган бўлса-да, айтиш керакки педагогика назарияси ушбу ёндашув моҳиятини очиқ беришга хизмат қилувчи салмоқли манбаларга эга.

4. Технологик ёндашув ва унинг моҳияти борасидаги методик тавсияларнинг аксарияти ушбу таълим юзасидан назарий билимларни ўзлаштиришга имкон беради.

5. Тарбиявий тадбирлар – турли хил моддий ва маънавий эҳтиёжларга жавоб берувчи, тарбиявий мақсадларининг ягона мажмуасига бўйсундирилган, бир-бири билан ўзаро ҳамкорлик қилувчи, ўзида бир-бутун таълимни кўзда тутувчи тарбиявий таъсир мажмуидир. Мактабгача таълим муассасалари тарбия иш йўналишининг асосини тарбиявий тадбирлар ташкил этади. Мазкур тарбиявий тадбирлар мақсадни ойдинлаштириш, лойиҳалаштириш, амалга ошириш, назорат ва таҳлил қилиш каби иш ҳаракатлари кетма-кетлигидан иборат куйидаги технологик чизмага асосланишни талаб этади.

6. Тарбиявий тадбирларни ташкил этишда тренинглари, муҳассам машғулоти, ўйинлардан фойдаланиш тарбиявий ишни самарали ташкил этиш ва амалга оширишга имкон беради.

7. Педагогика фанида бугунги кунга қадар олиб борилган илмий изланишлар доирасида мактабгача таълим муассасаларида тарбиявий тадбирларни ташкил этишда технологик ёндашув имкониятларидан фойдаланиш муаммосини тадқиқ этишга йўналтирилган тадқиқот ишлари амалга оширилмаганлиги аён бўлди. Шунингдек, педагогик технологияларнинг моҳияти ҳақида назарий маълумотлар беришга хизмат

киладиган илмий-методик манбалар мазмунида ҳам мактабгача таълим муассасаларида тарбиявий тадбирларни ташкил этишга соҳасидаги қарашлар баён этилмаган.

8. Тадқиқот доирасида олиб борилган тажриба-синов ишларининг самарали яқунланганлигини тажриба сўнгида олинган натижалар тасдиқлади.

Юқорида баён этилган хулосаларга таянган ҳолда мактабгача таълим муассасаларида тарбиявий тадбирларни ташкил этишда технологик ёндашувнинг имкониятлари борасидаги назарий-амалий билимларни тарғиб этиш, уларда педагогик фаолият жараёнида кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, бу борада самарадорликка эришиш муваффақиятини таъминлашга хизмат қилувчи қуйидаги тавсияларни илгари сурамиз:

1. Мактабгача таълим муассасаларида тарбиявий тадбирларни ташкил этишда технологик ёндашув имкониятларидан фойдаланишнинг назарий-амалий асосларини ишлаб чиқиш, уни Республикамиз ҳудудида фаолият олиб бораётган МТМ тарбиячилари ўртасида кенг тарғиб этиш.

2. Мактабгача таълим муассасаларида технологик ёндашув асосида тарбиявий тадбирларни ташкил этишнинг яхлит тизимини яратиш.

3. Мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларини технологик ёндашув асосида тарбиявий тадбирларни ташкил этишга оид манбалар билан қуроллантириш.

4. МТМ тарбиявий фаолиятида фойдаланиладиган манбалар мазмунига технологик ёндашув элементларини сингдириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори //Ўзбекистан Республикаси Президентга И.А.Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида сўзланган нутқ – Т.:Шарқ, 1997. – 19 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.:Ўзбекистон, 1999. – 47 б.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 174 б.
4. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
5. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.
6. Ўзбекистан Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни // Баркамол авлод - Ўзбекистан тараққиётининг пойдевори -Т.: Шарқ, 1997. – 20 - 29 б.
7. Абдурахимова Д. Мактабгача тарбия ёшдаги болаларни ахлоқий руҳда тарбиялашда халқ эртақларидан фойдаланиш: Пед.фан.ном. ... дисс. автореф. – Т.: 1998. – 18 б.
8. Азизхўжаева Н.Н. Ўқитувчи тайёрлашнинг педагогик технологияси. –Т.: Низомий номли ТДПУ, 2000. - 52 б.
9. Алексеев В.Е. Педагогические основы обучения техническому творчеству учащихся средних профтехучилищ : Автореф. дис... докт. пед. наук. - Т.: 1990. - 40 с.
10. Ангеловский К. Учителя и инновации / Книга для учителя. Пер. с макед. В.П. Диденко. – М.: Просвещение, 1991. – 158 с.
11. Баркамол авлод орзуси //Тузувчилар: Ш.Курбонов, Р.Ахлиддинов, Ҳ.Саидов. – Т.: Шарқ, 1998. – 225 б.
12. Белоухин Д.А. Основы личностно -ориентированной педагогики. - М.:Воронеж, 1997. – 92 с.
13. Беспалько В.И. Педагогика и прогрессивные технологии обучения -М.:ИРПО, 1996. - 336 с.
14. Беспалько В.И. Слагаемые педагогической технологии. -М.: Педагогика, 1989. - 168 с.
15. Беспалько В.И., Татур Ю.С. Системно-методическое обеспечение учебно-воспитательного процесса подготовки специалистов. – М.: Высшая школа, 1988. -144 с.

16. Беспалько В.И. Теоритические основы стандартизации образования //Педагогическое обеспечение государственного стандарта образования – М.: ИРПО, 1994. – с. 3-42.
17. Бобоева Д.Р. Мактабгача ёшдаги болаларнинг нутқини ўстириш жараёнида эртақлар асосида атроф-муҳит билан таништириш /Илмий тўплам. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ. 2000. – 103-105-б.
18. Бобоева Д.Р. Мактабгача ёшдаги болалар тарбиясининг асосий мезонлари // Педагогик таълим ж. – Т.: 2001. 2-сон. – 65-66-б.
19. Бобоева Д.Р. Теварак-атрофни ўрганишда мактабгача катта ёшдаги болаларнинг боғланишли нутқини ривожлантириш: Пед.фанл.номз. ... дисс. автореф. – Т.: 2001. – 25 б.
20. Боголюбов В.И. Педагогическая технология: эволюция понятия. – Педагогика, 1991, №1. – с. 123-128.
21. Бола тарбияси концепцияси / Ф.Мухамедов, С.Очилов, М.Хайдаров, З.Исмоилова, Л.Нурмухамедова; ЎЗР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Низомий номидаги ТДПУ.- «Ўқитувчи» НМИУ, 2006.-32 б.
22. Бойкова Л.А, Гребенкино. Педагогическое мастерство и педагогические технологии. –М.: Пед общество России, 2001. – 247 с.
23. Виленский М.Я., Зайцева С.Н. Педагогические основы формирования опыта творческой деятельности будущего учителя // Учебное пособ. –М.: МГПУ, 1993. – 57 с.
24. Вихрев В.В., Федосеев А.А., Христочевский С.А. Практическое внедрение информационных технологий на основе метода проектов //Ж. Педагогическая информатика. 1993. № 1. – с. 26 - 28.
25. Вишнякова Н.Ф. Креативная психопедагогика. Психология творческого обучения. –М.: Просвещение, 1995. – 67 с.
26. Воробьев Г.Р Школа будущего начинается сегодня. – М.: Педагогика, 1991. – 59 с.
27. Воронов В.В. Педагогика школы в двух словах. –М.: Педагогика, 1997. – 124 с.
28. Гершунский Б.С. Россия: образование и будущее // Кризис образования в России на пороге XXI века. – Челябинск, ЧГПИ, 1993. – 240 с.

29. Дошкольная педагогика /Учебное пособие. Под ред. В.И.Ядэшко, Ф.А.Сохина. – М.: Просвещение, 1996. – 413 с.
30. Жумашева Г.Х. Формирование основ культуры общения дошкольников на каракалпакском языке (групп с русским языком обучения) средствами театрализованных игр: Дисс. ... канд.пед.наук. – Т.: 1996. – 140 с.
31. Заир-Бек Е.С. Проектирование учебнѐх программ по педагогике //Педагогика в ВУЗе: наука и учебнѐй предмет. - СПб.: РГПУ, 2000. – с.365-387.
32. Заир-Бек Е.С. Теоретические основы обучения педагогическому проектированию: Автореф. дисс. ... докт. пед. наук. - СПб.: РГПУ, 1995. – 35 с.
33. Закиров И.И. Таълим жараёнига янги педагогик технологияларни татбиқ этишнинг назарий-амалий асослари (МТМ мисолида): Педагогика фанлари номзоди. ... дисс. – Т., 2005. – 124 б.
34. Зиёмухаммедов Б. Янги педагогик технология: назария ва амалиёт. -Т.: Chinoz ENK, 2002. – 124 б.
35. Зинченко А. П. Понятие о практической науке //Ж. Вопросѐ методологии. 1991. № 1. – с. 65-70.
36. Касымова Х.И. Использование национальных традиций в нравственном воспитании детей старшего дошкольного возраста в семье.: Автореф. дисс. ... канд.пед.наук. – Т.: 2001. – 27 с.
37. Кларин М.В. Инновационные модели обучения в зарубежных педагогических поисках /Пособие к спецкурсу для высших педагогических учебных заведений, институтов усовершенствования учителей, повышения квалификации работников образования. - М.: Арена, 1994. – 147 с.
38. Кларин М.В. Инновации в мировой педагогике: обучение на основе исследования, игры и дискуссии. - Рига: НПЦ Эксперимент, 1995. – 108 с.
39. Колеченко А.К. Развивающаяся личность и педагогические технологии. - СПб.: Образование, 1992. – с. 27-34.
40. Комилова Г.О. Мактабгача ёшдаги (5-6 ёш) болаларга экологик тарбия беришда халқ топишмоқларидан фойдаланишнинг педагогик имкониятлари / Пед. фан. номз. ... дис. автореферати. – Т., ЎзПФИТИ, 2005. – 22 б.
41. Коротков Э.Н. Технологии проблемно-деятельностного обучения в ВУЗе. - М.: ВПА, 1990. – 170 с. 70.

42. Крюкова Е.А. Личностно-развивающие образовательные технологии: природа, проектирование, реализация. Монография. – Волгоград. Перемена, 2000. – 97 с.
43. Курбанов Ш., Сейтхалилов Э. Национальная программа по подготовке кадров. – Т.: Университет, 2000. – 103 с.
44. Курбанов Ш.Э. Социально-педагогические особенности национальной модели и программы по подготовке кадров: Дисс. ... докт. пед. наук. – Т.: 2000. – 371 с.
45. Мактабгача ёшдаги болаларнинг экологик кўникмаларига кўйиладиган талаблар / Экология йўналиши бўйича қатнашадиган тўғарак аъзоларига кўйиладиган талаблар. – Т.: «Биоэкосан», 2002. – 25 б.
46. Мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясига кўйиладиган давлат талаблари / Мактабгача таълим. – Тошкент, 2007. № 9. – Б. 4-5.
47. Мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясини такомиллаштириш муаммо ва ечимлари. // Республика микёсидаги илмий-амалий анжуман материаллари. – Жиззах, 2009. – 189 б.
48. Монахов В.М. Технологические основы проектирования и конструирования учебного процесса. – Волгоград, Перемена, 1995. – 96 с.
49. Нишоналиев У. Формирование личности учителя трудового обучения: проблемы и перспективы. – Т.: Фан, 1996. – 88 с.
50. Новик М. Современнѳе технологии в образовании //Ж. Новые знания. 1999. № 3. – с. 17-21.
51. Новые педагогические и информационные технологии в системе образования /Под ред. Е.С.Полат. - М.: Академия, 1999. – 224 с.
52. Околелов О.П. Современные технологии обучения в вузе: сущность, принципы проектирования, тенденции развития //Ж. Высшее образование в России. // 1994. № 2. – с. 24-28.
53. Очилов М. Янги педагогик технологиялар. – Қарши, Насаф, 2000. – 79 б.
54. Педагогический технологии в развивающейся школе / Под.ред. Л.А. Байковой. – Рязань, РГПУ, 1997. – 147 с.
55. Расулова М.Ш. Болаларни мактабга тайёрлаш ва тайёрлигини аниқлаш мезонлари. – Т.: ЎзПФТИ, 1994. – 24 б.
56. Рогов Е.И. Личностно-профессиональное развитие учителя в педагогической деятельности: Дисс. ... докт. пед. наук. - Ростов на Дону. 1999. - 341 с.

57. Сайидахмедов Н. Педагогик амалиётда янги технологияларни қўллаш намуналари. –Т.: РТМ, 2000. – 46 б.
58. Селевко Г.К. Опыт системного анализа современных педагогических систем //Ж. Школьные технологии. 1997. № 6. – с. 35-38.
59. Селевко Г.К. Современные образовательные технологии. - М.: Педагогика, 1998. – 493 с.
60. Содиқова Ш.А. “Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлаш: Педагогика фанлари номзоди. ... дисс. – Т., 2009. – 154 б.
61. Солиқова М.А. Мактаб таълимига тайёрлаш муаммолари //Халқ таълими ж. – Т.: 2000. № 3. – 85-87-б.
62. Соғлом авлодни шакллантиришда янги педагогик технологияларнинг ўрни. Тошкент вилояти ёш олимларининг II- илмий-амалий анжумани мат. - Т.: ТВХТХМОИ, 2002. - 76 б.
63. Тешабоева К.Ф. Подготовка будущих дошкольных работников к использованию материалов киргизской народной педагогики: Автореф. дисс. ... канд.пед.наук. – Т.: 1994. – 26 с.
64. Толипов Ў.Қ. Тажриба-синов ишларини ўтказишда янги педагогик технологиялар //Халқ таълими ж., 1999. № 2-3. - 63-67 б.
65. Толипов Ў.Қ.,М.Усмонбоева. Педагогик технология асослари // «Мактаб ва хаёт» журналига илова. – Т.: ЎзПФИТИ, 2003. - 32 б.
66. Туленова Х.Б. Совершенствование физического воспитания детей до школьных учреждений в возрасте 5-7 лет: Автореф. дисс. ... канд.пед. наук. – Т.: 2000. – 26 с.
67. Умарова М.Х. Мактабгача таълим ёшидаги болаларда атроф-муҳитга масъулиятли муносабатни шакллантириш методикаси: Педагогика фанлари номзоди. ... дисс. – Т., 2009. – 210 б.
68. «Учинчи мингйилликнинг боласи» таянч дастуридан / Мактабгача таълим. – Тошкент, 2007. - № 9. – Б. 6.
69. Фарберман Б. Янги педагогик технологиялар. - Т.: Фан, 2001. –146 б.
70. Юсупова П. Мактабгача тарбия педагогикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1993. – 264 б.
71. Ўзбекистон Республикасида давлат мактабгача таълим муассасаси тўғрисида Низом / Мактабгача таълим. – Тошкент, 2007. - № 10. – Б. 2-6.

72. Ҳасанбоева О. Куни узайтирилган гуруҳларда тарбиявий ишлар: Ўқитувчи ва тарбиячилар учун қўлланма. – Т.: «Ўқитувчи», 1994. – 120 б.

Иловалар**1-илова****“Тарбиячиларнинг тарбиявий тадбирларни технологик ёндашув асосида ташкил этишга муносабатларини аниқлашга доир сўровнома**

1. Тарбия жараёнини технологиялаштириш ижтимоий зарурияти нимада?

2. Технологик ёндашув деганда нимани тушунасиш? _____

3. Сизнинг таълим муассасангизда технологик ёндашув моҳитини очиб берувчи манбалар мавжудми? _____

4. МТМ маъмурияти томонидан тарбиявий тадбирларни технологик ёндашув асосида ташкил этишга қандай эътибор қаратилади? _____

5. Таълим муассасангизда технологик ёндашув асосида тарбиявий тадбирларни амалга оширишга доир шарт-шароитлар мавжудми? _____

6. Тарбияланувчиларнинг тарбиявий тадбирларни технологик ёндашув асосида ташкил этишлари рағбатлантириб бориладими? _____

7. Таълим муассасангизда технологик ёндашувга асосланган тарбиявий тадбирларни ташкил этишга доир мавжуд тажрибаларни оммалаштирилишини қандай баҳолайсиз? _____

8. Таълим муассасангизда тарбиявий тадбирларни технологик ёндашув асосида ташкил этилиши ҳолатини қандай баҳолайсиз? _____

Сўровномада иштирок этганингиз учун миннатдорчилик билдирамыз!

**Сергели туманидаги 600-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси Р.Одилованинг
“Гуллар шахрига саёхат” номли тарбиявий тадбири ишланмаси
“Gullar shahriga sayohat”**

Maqsad: Bolalarni Montesori usulida o'ynashga o'ragtish.

Bolalarni teverak atrofini bilish jonli va jonsiz tabiat haqidagi o'zlashtirilgan bilim darajasini aniqlash yangi ma'lumotlar bilan boyitib yanada mustahkamlash bahor faslida ochiladigan turli xil anvoyi gullar bilan tanishtirish. Nutqni boyitish, gullarga qarab nomlarni turli tallafuz qildirish, did bilan chizishga o'rgatish.

Kerakli jihozlar: Yilning nafasli tasvirlangan rasmlar, har bir gullarni alohida qilib chizilgan tarqatma kartochkalar va atributlar, rasm chizish uchun qog'oz va bo'yoqlar shart.

MASHG'ULOTNING BORISHI:

Guruh xonasi, bolalar o'z ishlari, o'z o'yinlari bilan mashg'ul.

Shaxlo, Dilshod va Muqaddaslar zavq bilan rasm chizish bilan ovora. Umida, Farhod, Madinalar bahor faslida ochiladigan gullar tasvirlangan rasmlar ni ko'rish bilan mashg'ul. Fotima, Saidolimxon va Nafisalar chiqindi materiallardan har-xil naqshlar, gullar, har-xil manzaralarni yasayapti.

Tarbiyachi Bolalar e'tiborini o'ziga jalb qiladi. Bolalar tezda joy-joylariga o'z ishlarini tartib bilan qo'yib chiqadilar.

Tarbiyachi: Bolajonlar bugun sizlar bilan gullar shahriga sayohat qilamiz. Bu sayohatda biz judayam ko'p mo'jizalarni ko'ramiz. Bu sayohatda kim bilimdon, zukko, chaqqon va hozirjavob bo'lsa, yo'lda uchraydigan qiyinchiliklarni yengadi va sehrli gul egasi bo'ladi. Men sizlar uchun binafsha gullaridan olib kelib, chaqqon, zukko bolalarga guldan taqdim etib boraman. Qani kim eng ko'p binafsha gullardan yig'ar ekan, sayohatga chiqamiz. Qani ketdik. Xursand bo'lgan bolalar bilan tarbiyachi guruh xonasidan chiqib ketishadi. Yo'lda ularga kapalak kiyimidagi qiz uchraydi.

Kapalakxon: Bog'changizni atrofida kattakon gulzor,
Guldan-gulga uchaman o'ynab beozor.

Salom bolajonlarar, hammangiz chiroyli gullaringa o'xshab ketibsizlar. Bilasizmi?, men gullarni juda sevaman, gullar mening do'stlarim, sizlar ham mening do'stlarimsiz. Men sizlar bilan bog'changizda, ko'chada, xovlingizda uchrashib turaman.

Bog'changizda qanday qilib gullar ekkaningizni, ularga suv quyib parvarish qilganingizni ko'rganaman. Sizlar juda aqlli, odobli, dono ekansizlar, shuning uchun men sizlarni gullar shahriga olib bormoqchiman. Buning uchun sehrli uchar gilam tayyor.

Agar sizlar bahor faslida ochiladigan gullar haqida she'r aytib bersanglar, gullar shahriga sayohat qilasizlar.

Bolalar gilam ustida yoyilgan gullardan xohlaganlarini tanlab oladilar va birin-ketin aytib berishadi.

Gulni olgan qiz o'rnidan turib:

Men o'tloqning qiziman,
Onam bahor gul lola.
Men bahor yulduziman
Men gulumomo, gulumomo,

Gulni olgan qiz o'rnidan turib:

Ochildimi boychechak,
Endi har yon gul demak.
Chunki bahor elchisi,
Men mitti gul boychehcak.

Navbatdagi qiz o'rnidan turib:

Bahorning yashil va tarang,
Shapaloqday har biri.
Lolaga siz bir qarang,
Gullarning eng dilgiri.

Navbatni qo'g'iroq gul oladi:

Bo'yim baland qo'ng'iroqday,
Bargim yashil ko'm-ko'k.
Shamol bo'lib deydi nuqul,
Gul uzingdan bergin o'pich.

Chinnigul:

Kunduz kulib chinnigul,

Chapga quloq solaman.
 Kech kirsam kulmay nuqul,
 Yumilaman qolaman.

Qoqi o't:
 Kimniki bor chorbog'i,
 O'sib yotar gul koki.
 Barglarim kugarador,
 Sap-sariq gulchalarim bor.

Yalpiz:
 Atir bo'yinda yalpiz,
 Atir sochgani-sochgan.
 Barg yozib yashnab gul qiz,
 Quchoq ochgani ochgan/

Binafsha:
 Binagshaxon binafsha,
 Navbahorning guliman.
 Erta bahor ochilib,
 Sizni xursand qilaman.

Kapalakxon: Rahmat bolajonlar, meni juda ham xursand qildingizlar. Endi barchangiz sehrli gilam ustiga chiqinlar. Men sizlarni sehrli gullar shahriga eltib qo'yaman.

Bolalar gilam ustiga o'tirib ko'zlarini yumadilar. Kapalakxon bir zumda ularni gullar shahriga eltib qo'yadi.

Kapalakxon:

Aziz bolajonlar, mana manzilga ham yetib keldik. Bolalar gilamdan tushib atrofni tomosha qiladilar.

Tarbiyachi: Kelinglar bolalar, rangli o'lkalar yordamida gullar rasmini chizamiz.

Bolalar qog'oz va bo'yoq bilan xoxlagan gullar rasmini chizadilar.

Tarbiyachi: Kapalakxon yordamida bolalar chizgan rasmlarni ko'rib chiqadilar va ularni sehrli gullar bilan taqdirleydilar. O'yin: havoda kapalaklar parvozi.

Tarbiyachi: Bolalar mana bizning ham sayohatimiz oxirlab qoldi. Kelinglar bolalar, sayohatimiz oxirida bizga ko'mak bergan kapalakxonga raxmat aytib, unga "Kapalak" qo'shig'ini kuylab beramiz (Bolalar kulab berishadi).

Kapalakxon: Rahmat bolajonlar, meni juda xursand qildingalar, endi hammangiz gilamga o'tirib ko'zingizni yuminglar, sizlarni sevimli bog'changizga eltib qo'yaman. Bolalar bog'chaga yetib kelib, kapalakxonga minnatdorchilik bildiradilar va xayrlashidar.

Мактабгача таълим муассасаси раҳбар ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича республика ўқув методика марказининг методисти М.З.Файзуллаеванинг “конституция сабоқлари” мавзусида тренинг машғулотининг ишланмаси

ТАНИШУВ

Мен Файзуллаева Малика.

Сизлар билан мактабгача ёшдаги болаларга конституция сабоқларини сингдириш» мавзусида суҳбатлашамиз.

ОЛТИН ҚОИДАЛАРИМИЗ!

1. Бир-биримизга ҳурмат.
2. Ўнг қўл қоидаси.
3. Эркин фикр.
4. Диққат билан эшитиш.
5. Чуқур фикрлаш.
6. Қувноқлик.

ГУРУҲЛАРГА БЎЛИНИШ.

- 1-гурух: “Соғлиқ ва саломатлик”.
 - 2-гурух: “Маълумот олиш”.
 - 3-гурух: “Яшаш”.
 - 4-гурух: “Ҳимоя қилиш”.
- (Гуруҳ номини танлаш.)

МАҚСАД:

1. Иштирокчиларнинг Конституцияга доир моддаларни чуқурроқ ўрганишга ва таҳлил қилишга ундаш.
2. Мактабгача ёшдаги болаларга конституция сабоқларини сингдириш шакл ва усуллари.
3. МТМда Ватан рамзлари қандай ўргатилади? деган саволга жавоб топиш.

Ишга доир материаллар

Гуруҳланган карточкаларда Конституция моддаларининг матнлари,. Катта қоғоз вароғи, қайчи,. Елим, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси .

Иш жараёни: ушбу фаолият учун Конституцияга доир фақат 24 та модда танланган. Бу моддалар аниқ вазиятларга тегишли бўлиб, қатнашувчиларга яхши таниш.

1-тадбир

Карточкалар гуруҳ аъзоларига тарқатилади. Иштирок этувчилар карточкаларни ўқийдилар ва таҳлил қиладилар.

2-тадбир

Иштирокчилар жойларидан туриб, хона бўйлаб юриб бошқа иштирокчилар билан учрашадилар. Учрашув пайтида моддаларни муҳокома қилинади. Агар 2та иштирок этувчи ўз карточкаларида бир хиллик борлигини ёки бир гуруҳга тегишли эканини сезсалар унда улар умумий гуруҳни (кластерни) ташкил этиб биргаликда ҳаракат қилишни давом эттирадилар.

3-тадбир

Иштирок этувчилар моддалар изоҳини англаган ҳолда гуруҳларга бўлиниб ўтирадилар.

4-тадбир

Гуруҳ аъзолари ўз жойларига ўтириб олгандан сўнг, тақдимотга чиқадиладар. Гуруҳ бошлиқлари ўз карточкаларини ўзларига тегишли бўлган катта қоғозга умумий ном тагига ёпиштирадилар.

КУТИЛАЁТГАН НАТИЖА

МАШҒУЛОТ ЯКУНИДА СИЗ :

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституция моддалари ҳақида асосий тушунчага эга бўласиз.

2.Мақтабгача ёшдаги болаларга конституция сабоқларини сингдиришнинг иш шакллари ва усуллари билан танишасиз.

3.МТМда мактабгача ёшдаги болаларга Ватан рамзлари қандай ўргатилади? деган саволга жавоб оласиз.

1-вазифа.

ГУРУҲИЙ ИШ

Ҳар бир гуруҳга «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси» рисолаи берилди, гуруҳ аъзолари рисолаи яхшилаб кўриб чиқиб, МТМ да қайси моддалар ўргатилишини ёзиб чиқишлари керак ва бирор модда юзасидан болаларга бериладиган билим,малака, кўникмалар асосида **кластер** тузишлари керак.

НАЗАРИЯДАН

Кластер тузиш-бу, ғоялар ва саволлар, ахборатлар харитасини тузиш усулидир.

Кластер тузиш қоидалари:

1. Мавзуни қоғозингизни ўртасига ёзинг.
2. Мавзу бўйича кўрилган барча нарсаларни ёзиб боринг.
3. Орфографик хатоларга эътибор берманг.
4. Белгиланган вақт тугамагунча ёзишдан тўхтаманг.
5. Иложи борича кўпроқ боғлиқликларни ўрнатинг.

КИЧИК ГУРУҲЛАР ТАҚДИМОТИ.

Тайёргарлик учун- 8-10 дақиқа

Тақдимот учун- 5-7 дақиқа (хар бир гуруҳга)

2-вазифа.

Ажратилган моддалар қандай гуруҳларда ва қандай машғулотларда ўтилади?

КИЧИК ГУРУҲЛАР ТАҚДИМОТИ.**Тайёргарлик учун- 10 дақиқа**

Такдимот учун- 5-7дақиқа(хар бир гуруҳга)

3-вазифа:

МТМда Ватан рамзлари қандай ўргатилади?

КИЧИК ГУРУҲЛАР ТАҚДИМОТИ.

Тайёргарлик учун- 7-8 дақиқа

Такдимот учун- 5дақиқа(хар бир гуруҳга)

4-вазифа:

Гуруҳларга бўлиниб машғулот ишланмасини тузинг.

ХУЛОСА ЧИҚАРАМИЗ.

- Кутганлариизни эришдингизми?
- Сиз нималарни билиб олдингиз?
- Сиз учун муҳими нима бўлди?
- Сиз учун нима тушунарсиз бўлди?
- Ўзингиз учун қандай хулоса чиқардингиз?

ХУЛОСА

Мактабгача таълим муассасасида болаларга конституция сабоқларини сингдиришда ҳозир олган билимларингиз катта ёрдам беради деб ишонамиз. Сизларга мактабгача ёшдаги болаларга конституция сабоқларини сингдиришни муваффақиятли амалга оширишда омад ва кучли ирода тилаймиз.

ХУЛОСА ЧИҚАРАМИЗ

- мактабгача ёшдаги болаларга конституция сабоқларини сингдириш долзарб вазифалардан биридир;

- конституция сабоқларини болаларга сингдириш орқали уларда Ватанга, халқимизнинг урф-одатига, қадриятларига бўлган мухаббатини шакллантирилади;

- Конституция сабоқлари болаларни комил инсон бўлиб етишишларига ижобий таъсир қилади;

- МТМДА давлатимиз тили, давлатимиз рамзлари – байроғи, герби, мадҳияси ҳақида тушунчалар берилади. Бунда болаларга давлат рамзлари Ўзбекистон халқининг шон-шарафи, ғурури эканлигини, давлат рамзларини эъозлаш, кадрлаш, севиш- ўз кадр-қимматини, ўз мамлакатига ва шахсан ўзига бўлган ишончни мустаҳкамлаш дегани экани тушинтирилади. Давлат рамзлари бўлмиш байроқ ва гербдаги ифодаларнинг маъноси тушунтирилиб, рамзларга нисбатан ҳурмат, фахр туйғуси уйғотилади. Шу мақсадда болаларга байроқ ва гербдаги ифодаларни ҳар бир тасвири (башоқ, пахта, қуёш, хумо қуши, ой, юлдузлар, ранглар) изоҳлаб берилиб, маъноси тушунтирилади. Рамзларни қизиқарли суҳбатлар, таълимий ўйинлар, саҳналаштирилган лавҳалар шаклида, турли-туман расм, шеър, ҳикоя, ривоятлар, видео косеталар каби воситалари материалларидан

фойдаланган ҳолда ўтиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, Рамзларни расмларда акс эттирилади.

**Мактабгача таълим муассасасида Давлат мадҳиясини тик туриб, ўнг қўл кўкракка
кўйилиб тинглаш ва айтиш тарбияланади
ХУЛОСАЛАР**

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 6 та бўлим, 128 та моддадан иборат.
- МТМ ларда Ўзбекистон Республикаси Конституциясини сингдиришда бир қатор муаммолар бор.
- ҳар бир МТМ ўз имкониятларидан келиб чиқиб, болаларга «Конституция сабоқлари»ни сингдириш шаклларида фойдаланиш лозим.
- ўз фикрингизни қўшинг.

ЯКУНИЙ ҚИСМ

Иштирокчиларнинг амалга ошган истакларини аниқлаш – 5 дақиқа.

Иштирокчиларга доирача шаклидаги қоғозлар тарқатилади. ҳар бир иштирокчи ўзининг нималарни билиб олганлигини, тренинг ҳақидаги фикрларини ёзиб, суратдаги дарахтнинг шохларидаги уч хил рангдаги «олмалар»га (“яхши”, “аъло”, “ўрта”) солади. Қатнашувчиларнинг тренинг давомида қандай ҳосил олганлиги маълум бўлади.